

ЙИЛЛАР ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

...Такдир чархпалагини қарангки, Лобарнинг то-
бутини унинг эри Шокир ўзга юртдан Бу-
хорога олиб келди. Қанийди йиллар орт-
га қайтса...

6 бет

ДАВОМЛИ СУИЦИД

Бугунги кунда дунё бўйлаб ҳар йили мунтазам чекиш
оқибатида 66 минг киши вафот этса, 5 минг киши пассив
чекишнинг қурбонига айланади. Бу дегани куни-
га дунёда чекиш сабабли 13 киши вафот этади.

8 бет

Mustaqillik huquq demakdir

НУҚУҚ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 5-noyabr, №45 (670)

Жараён

Олтин куз



А.ТУРАЕВ олган суратлар

Маълумки, жорий йилнинг 27 декабрида Ўзбекистон Республи-
каси Олий Мажлиси ва халқ де-
путатлари туман, шаҳар ҳамда
вилоят кенгашларига сайловлар
бўлиб ўтади. Бўлажак сайловлар
мамлакатимиз ҳаётида муҳим
воқеа бўлиши шак-шубҳасиздир.

қонунларга мос келишини, хо-
лислик, сиёсий ва ҳуқуқий са-
водхонлик талабларига жавоб бе-
ришини тақозо этади.

Матбуот ва ОАВда сайлов жа-
раёнларининг ёритилишини бир
неча йўналишларга бўлиш мум-
кин:

ҳар томонлама ёритилишига эъти-
бор қаратилади.

Учинчи йўналиш — ахборот
тарқатиш фаолиятини қамраб ола-
ди. Оммавий ахборот воситалари
сайловга тайёргарликнинг бори-
ши ва сайлов билан боғлиқ се-
минар-тренинглар, конференция

ЖИДДИЙ СИНОВ ДАВРИ

Таъкидлаш жоизки, сайловлар
матбуот ва оммавий ахборот хо-
димлари учун ҳам жиддий синов
майдони бўлиб келган. Сайлов
эркинлиги ҳам, матбуот ходим-
лари фаолияти эркинлиги ҳам биз
барпо этаётган ҳуқуқий давлат ва
фуқаролик жамиятига хос белги-
лардир. Сайловларнинг эркин,
очиқ ва ошқора ўтиши, ҳаққоний
ва адолатли деб эътироф этили-
ши, авваломбор, сайлов жараён-
ларида сўз эркинлиги, фикр эр-
кинлигининг нечоғли таъминла-
нишига боғлиқ. Айни пайтда бу
биз, журналистлар зиммасига
алоҳида масъулият юклайди. Бун-
дай масъулият эса ОАВнинг сай-
лов жараёнларини ёритиши бил-
ан боғлиқ фаолияти амалдаги

Биринчиси, маънавий-маъри-
фий йўналиш бўлиб, унда сай-
ловларнинг мазмун-моҳияти ва
аҳамияти, тур ва шакллари, мам-
лакатимизда ўтадиган сайловлар-
нинг ибратли жиҳатлари ҳамда бу
борадаги хорижий тажриба ҳақида
кенг қўламли ахборот ва маълум-
отлар бериб борилади.

Иккинчи йўналиш — тарғибот.
Бу йўналишда Ўзбекистон Рес-
публикасининг сайловлар тўғри-
сидаги қонунчилиги кенг шарҳ-
ланади ва талқин этилади, сай-
ловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбури-
ятлари тушунтириб борилади.
Шунингдек, сиёсий партиялар ва
фуқароларнинг сайловда иштирок
этиши билан боғлиқ долзарб ма-
салалар ҳуқуқий-сиёсий жиҳатдан

ва форумлар, давра суҳбатлари ва
бошқа тадбирларнинг қандай ўта-
ётганини ёритиш асносида, ав-
вало, сайловчиларни сайлов ку-
ни, сайлов кампаниясининг бош-
ланганлиги, сайлов округи ва
участкалари ташкил этилиши
ҳамда номзодларнинг рўйхатга
олиниши билан боғлиқ жараён-
лар ҳақида мунтазам хабардор
этиб боради.

Сайлов комиссияси матбуот-
да эълон қилиш учун тақдим эт-
ган қарорлар, бошқа ҳужжатлар
ва материалларни қонун доира-
сида кенг ёритади. Комиссия то-
монидан тақдим этиладиган сай-
лов ақудлари тўғрисидаги ахбо-
ротни эълон қилади.

(Давоми 3-бетда)

ФАХРИЙЛАР БИЛАН НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ

3 ноябрь куни Республика Бош прокуратураси
Олий ўқув курслари тингловчиларининг прокура-
тура фахрийлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Маз-
кур учрашувда прокуратура фахрийларидан Рим За-
лилов, Абдурашид Маннонов, Оримбай Манапов-
лар иштирок этишди. Соҳага кўп йиллик меҳнатла-
ри сингган прокуратура фахрийлари ва ҳозирда про-
куратура органларида фаолият юритиб келаётган,
айни пайтда Олий ўқув курсларида таҳсил олиб, ма-
лакаларини ошираётган прокурор-тергов ходимлари
иштирокидаги мазкур учрашувдан кўзланган мақ-
сад икки автод вакилларининг ўзаро тажриба алма-
шишидан иборатдир.

Учрашувда сўзга чиққан фахрийлар меҳнат таж-
рибалари ҳақида ҳикоя қилиш баробарида Ватанга,
касбга садоқат борасидаги ўз қарашларини ёлди-
риб ўтишди.

Учрашувда прокуратура органлари фахрийлари-
ни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Мар-
кази раиси ўринбосари Маркс Шарофидинов Марк-
са фаолияти, мақсад ва вазифалари ҳуусида маълумот
бериб ўтди.

Юртимизда, қайси соҳада фаолият кўрсатгани-
дан қатъи назар, меҳнат фахрийлари, кўп йиллик
тажрибага эга инсонларга алоҳида эҳтиром кўрсатиб
келинади. Айтиш мумкинки, бу халқимизнинг аза-
лий қадриятларидан саналади. Бундай қадрият неғи-
зида ёшларни касбга, юртга садоқат руҳида тарбия-
лаш, ёшлигини, куч-ғайратини юрт фаровонлиги
йўлида бағишлаган инсонларга эҳтиром кўрсатиш-
дай эзгу мақсадлар турadi.

Ҳар икки томон учун фойдали бўлган учрашув
тингловчиларда катта таассурот қолдириди.

Ўз мухбиримиз

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Конституциясида ва амалдаги миллий қонунчилиги-
мизда фуқаролар ўз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ
ҳамда эркинликлари, жумладан, ўзларининг ва бошқаларининг бу-
зилган ёхуд поймол қилинган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тик-
лаш ва ҳимоя қилиш мақсадида тегишли давлат органларига мурожа-
ат этиш ҳуқуқлари ўз ифодасини топган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-мол-
даида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда вако-
латли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза,
таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги
белгиланган.

Ушбу конституциявий қонданинг мантикий давоми тариқасида Ўзбе-
кистон Республикаси "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қону-
нининг 3-молдасида ҳам фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи ало-
ҳида тартибга солинган бўлиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республика-
си фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар
билан мурожаат этишлари мумкин. Бироқ қонунга кўра ҳар бир фуқа-
ро, бирор-бир гуруҳ, жамоа ёхуд юридик шахс ўзларининг мурожаат
этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари,
жамият ва давлатнинг манфаатларига путур етказмаслиги керак.

Мурожаат этиш ҳуқуқи бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари-
ни ҳимоя қилишнинг муҳим конституциявий-ҳуқуқий воситаси ҳамда
уларни муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий кафолатидир. Айни
пайтда фуқароларнинг мурожаатлари уларнинг жамият ва давлат иш-
ларини бошқаришда иштирок этишларининг бир кўриниши, поймол
этилган ёки бузилган ҳуқуқларини тиклаш усулидир. Бундай мурожа-
атлар давлат, ҳўжалик ва ижтимоий-маданий соҳалардаги аҳолини ўзгар-
тириш ва ривожлантиришга оид масалаларни ҳал этиш учун фойдали
бўлган маълумотларнинг муҳим манбаи ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг
олдини олиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Юқорида айтиб ўтилган қонун талаблари тўғри ва тўла бажарилиши
устидан прокурорлик назоратини таъминлаш, прокуратура органлари-
да фуқароларнинг ариза, шикоят ва таклифларини кўриб чиқишда
қонунларга риоя қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари қай даражада ҳимоя
қилиниши кўп ҳолларда шахснинг ўзи ҳуқуқлари тикланишига қанча-
лик ишонилишига ҳам боғлиқдир. Кейинги йилларда фуқароларимиз-
нинг кўпчилиги ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига
умид боғлаб, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожа-
ат этаётганликлари ижобий ҳол, албатта. Ўз навбатида тегишли ҳуқуқни
муҳофаза қилувчи органлар раҳбарларининг фуқароларни шахсан қабул
қилишлари улар билан аҳоли ўртасидаги бевосита алоқани мустаҳкам-
лашга хизмат қилади. Фуқароларнинг қабулини ташкил этиш борасида
эса прокуратура органларида катта тажриба тўпланган.

(Давоми 3-бетда)

ОБУНА — 2010

Ҳурматли газетхон!

Жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни янада юксалти-
риш бугун олдимизда турган устувор вазифалардан экан-
лиги маълум. Бу жараён барча ҳуқуқий наслрлар қатори
"НУҚУҚ" газетаси зиммасига ҳам масъулиятли вазифа-
лар юклямоқда.

Шу маънода, "НУҚУҚ" газетаси ҳуқуқий демократик
давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг
ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислохот-
ларнинг мазмун-моҳияти, самарасини кенг тарғиб қилиш
билан бир вақтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг
ҳар қандай кўринишига қарши жамоатчилик фикрини уй-
ғотишни мақсад қилиб олган.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари, прокуратура фаоли-
ти, жиноят ва жазо, инсон ҳуқуқ ва манфаат-
лари ҳимоясига оид энг сара, таҳлилий мақо-
лалар газетхонлар эътиборига ҳавола этиб
келинмоқда. Шунингдек, тахририятимиз-
га йўлланган ҳеч бир хат, ҳеч бир
муурожаат эътиборсиз қолмайди.

2010 йилда ҳам "НУҚУҚ"
газетаси Сизнинг энг яқин
ҳамкорингиз бўлиб қолади.

ОБУНА БЎЛИНГА
КЕЧ ҚОЛМАН!

Нашир кўрсаткичи — 231

Донишмандлардан бирининг шундай гапи бор: "...бойлик ҳам, камбағаллик ҳам бир неъматдир. Қайсиси билан имтихон қилинсам ҳам, хотиржамдирман. Бой бўлган кезлар муҳтожларга ёрдам қилиш, фақирликка эса сабр қилиш фазилати бор".

Дарҳақиқат, аксарият одамларни мўмай даромад топиш илдинжи доимо таъқиб этиб юради. Топаётган даромадлари етарлими, йўқми, уларга фарқ қилмайди. Нима қилиб бўлса-да, беш-ун сўм топсалар бўлди. Бу йўл қонунийми ё ўнга ҳилофми, ишлари йўқ. Айниқса, ноқонуний валюта операцияси ортидан даромад ортти-

имни кимга айтаман?" Ҳаёлига келган уйдан ўзи чўчиб кетди. Эртаси куни таваккал қилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди. Унинг аризаси бўйича дарҳол тезкор тадбир ишлаб чиқилиб, унда Зилола ўзининг пул маблағлари билан қатнашишга рози бўлди. Ҳуллас, 25 январь куни соат 11ларда ҳайдовчиға кўнғироқ қилиб, 5 минг 500 доллар кераклигини айтди. Абдуманнон уни эшитгач, таниши билан боғланиб, қайта кўнғироқ қилишини айтди. Ўн дақиқалардан кейин Зилоланинг телефонини жиринглади. Абдуманнон экан. "Синглим, танишим билан гаплашдим. Доллари бор экан. Ярим соатларда Навой кўчасида учра-



ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДАГИ МАСАЛА

Фарзанд тарбияси барча замонларда ҳам энг долзарб масала саналган. Тарбияга лоқайдлик иморатнинг нураётган пойдеворига ўхшайди. Зеро, миллат келажаги фарзандлар тарбиясига бўлган эътибордан бошланади, десак муболаға бўлмайди.

Собир Раҳимов туман прокуратураси томонидан профилактик ҳисобда турган, ота-она қаровисиз қолган вояга етмаганлар билан ишлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Аниқланишича, туманда ИИБ ВЕОХООГ томонидан жами 126 нафар вояга етмаганлар профилактик ҳисобга олинган. Шундан 57 нафари жиноят, 28 нафари маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир қилган, 39 нафари оиласидан ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан ўзбошимчалик билан чиқиб кетгани учун профилактик ҳисобга қилинган.

Текшириш давомида ИИБнинг ВЕОХООГ томонидан юритилган "Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими (группа) томонидан профилактик ҳисобга олинган вояга етмаганлар ва уларга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа шахсларни қайд қилиш" китоби талаб даражасида юритилмаганлиги маълум бўлди.

Хусусан, китобда профилактик ҳисобга олинган вояга етмаганларнинг ҳисобга олиниш сабаблари аниқ кўрсатилмасдан, аксарият вояга етмаганларга нисбатан жиноят иши қўзғатиш рад этилганлиги қайд этилган. Шунингдек, кўпчилик қайд қилиш ҳаракатларига тузатишлар киритилган бўлса-да, сўнгги маълумотларнинг аслига тўғри эканлиги ҳақидаги маълумотлар қайд этилмаган. Бундан ташқари, профилактик тадбирларнинг ижро натижаси ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд эмас.

2009 йил сентябрь ойида жами 43 нафар вояга етмаганларнинг келтирилганлиги қайд этилган бўлиб, текширишда туман ИИБга келтирилган вояга етмаганларни қайд қилишда уларнинг яшаш манзиллари аниқ кўрсатилмаган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун айбланиб судланган ва профилактик ҳисобга олинган вояга етмаган Шуҳратжон Маъмуржон ўғли Розиковга нисбатан юритилган йиғма жилда ИИБ ХООБ профилактика нозирини Ш.Маматжонов ундан тушунтириш қати олмаган. Расмий огоҳлантириш хати эса вояга етмаган Ш.Розиков томонидан имзоланмаган, унинг яшаш жойи ва шароити ўрганилганлиги ҳақида мутахассислар иштирокида далолатнома тузилмаган. Ҳатто унинг ҳисобга олинганлиги ҳақида ота-онаси, ўқиш жойига билириш хати ҳам юборилмаган. Шунингдек вояга етмаганга нисбатан яшаш жойида бириктирилган мураббий, жамоатчи тарбиячилар ва улар томонидан олиб борилган ишлар ҳисоботи олинмаганлиги маълум бўлди.

Шунга ўхшаш ҳолатни туман ИИБ ХООБ профилактика нозирини М.Хидиров томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми, 277-моддаси 3-қисми "г" банди ва 164-моддаси 2-қисми "а, б" бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун айбланиб судланган ва жазони ўташ муассасасидан қайтган вояга етмаган С.Хўжаевга нисбатан юритилган профилактик йиғма жилда ҳам қўриш мумкин. Ундаги тарбиявий ишларни ўтказиш бўйича тузилган иш режаси тўлиғича бажарилмаган. Туман ИИБ бошлиғи номига вояга етмаган билан профилактик тарбиявий ишлар олиб борилганлиги ҳақида билдирги ёзилмаган ва олиб борилган ишлар ҳисоботи талаб қилиб олинмаган.

Юқоридаги каби қонунбузилиш ҳолатларга бошқа профилактик ҳисобга олинган вояга етмаганлар, хусусан вояга етмаган Ж.Мирсалихов (профилактика нозирини Ш.Равшанов), С.Султонов (профилактика нозирини У.Каримов), вояга етмаган С.Саидалиев ва А.Маъмуровларга нисбатан юритилган профилактик варақаларда ҳам йўл қўйилган. Аксарият ҳолатларда вояга етмаганларга нисбатан жамиятга зид бўлган хатти-ҳаракатлар қилмаслик ҳақида огоҳлантириш хатлари расмийлаштирилган бўлса-да, лекин бу ҳужжатлар вояга етмаганлар томонидан имзоланмасдан қолingan. Профилактик тадбирлар маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўтказилмаган.

Наркология диспансери ҳисобида турган шахслар рўйхати олиниб, уларнинг қарамоғида тарбияланаётган вояга етмаган фарзандлари ҳақидаги маълумотлар аниқланган, ammo уларнинг қарамоғида тарбияланаётган вояга етмаганларни профилактик ҳисобга олиш-олмаслик масаласи қўриб қилинмаган. Худди шунингдек, гўёханд модда истеъмол қилувчи, спиртли ичимликка ружу қўйган ота-оналар, енгил табиатли аёллар қарамоғида ва нотинч оилаларда тарбияланаётган вояга етмаганлар ҳисоби умуман олинмаган.

Текшириш якуни бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳусусида туман ИИБ бошлиғига тақдимнома киритилган. Қонунбузарликларнинг келиб чиқишига бевосита сабабчи бўлган ИИБнинг профилактика нозирларига эса қатъий интизомий жавобгарлиқни қўллаш масаласи ҳал қилинди.

Фарход МАМАЛАТИПОВ,
Бош прокуратура бўлими прокурори

Собир Раҳимов туман прокурорининг катта ёрдамчиси

АРЗИМАГАН ДАРОМАД ДЕЯ...

риш истагида юрганлар ҳали-ҳануз ораимизда учраб турибди.

Утган йил январь ойининг охирилари. Зарур юмуш билан уйдан чиққан Зилола (исм-шарифлар ўзгартирилган) такси тўхтатди. Ҳайдовчи катта ёшли бўлса-да, анча киришмиди экан. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб кетишди. Мавзу айланиб, АҚШ долларига, уни банкдан олишининг қонун-қондаларига бориб тақалди.

— Синглим, бир кўрган таниши, икки кўрган билиш дейишди. Мабодо доллар керак бўлиб қолса, бемалол, тортинмай айтаверинг. Танишларим бор. Арзон нархда тўғрилаб беришди. Менинг исмим Абдуллоҳ...

Бу гап Соғидага маъқул келди. Манзилга етгач, ҳайдовчиға миннатдорчилик билдириб, телефон рақамини ёзиб олди. Ишларини битириб, уйига қайтгач эса ўйланиб қолди. "Танимаган, язмаган одамдан қандай қилиб доллар олиш мумкин? Ўзини-ку, бир марта кўрдим. Доллар танишида эмиш! Унис қанча одам экан? Қалбаки бўлса-чи! Унда "дол"

шамиз. Айтмоқчи, исми Эргаш. Сиз айтган нархда қилиб берадиган бўлди...". Айтилган манзилга келганидан кўп ўтмай "Тико" ҳамда "Матиз" автомашиналари пайдо бўлди. Машиналардан тушган йигитлар ўзаро нималарнидир гаплашгач, "Матиз"дан тушган йигит Зилоланинг ёнига келиб, машинага ўтирди-да, "Пуллар қани?" деб сўради. Зилола ёнидаги целлофан пакетларни олиб, унга узатар экан, "Бу ерда 7 миллион 463 минг 500 сўм. Энди долларни бермасизми?" деди. Эргаш пулларни олиб, ёнидан бир даста доллар чиқариб берди. Хар икки томон пулларни алмашиб, санай бошладилар. Эргаш пулларни санаб бўлгач, "Тўғри" дея, машинадан энди тушган ҳам эди, департамент ходимлари уни тўхташиб, ўзларини таништиришди-да, бўлимга боришни таклиф қилишди. Икки киши эса Абдуллоҳнинг бошлаб келди. Шу пайт Эргаш қўлидаги пулларни ташлади-ю ура қочди. Қочиб қаёққам борарди?

Юқорида айримлар арзимаган маблағ учун қонунга зид ишлар-

га қўл уришлари ҳақида айтган эдик. 2008 йил 15 май кунини пойтахтнинг Навой кўчасида жойлашган валюта айирбошлаш шохбаси ёнида ўтказилган тезкор тадбирда ана шундай яна бир ҳолатнинг гувоҳи бўлинди. Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи Тоҳир исмли шахс таниши бўлиш Фарҳоднинг паспортини шохбачага тақдим этиб, унинг номига 5 минг АҚШ доллари олган. Паспортини фойдаланиш учун берган Фарҳод эса бунинг эвазига 10 минг сўм ишлаган. Албатта у бу пул билан бойиб қолмасди. Гап бунда эмас. Аммо нима бўлганда ҳам ноқонуний валюта савдосини касб қилиб олган кимсалар, иқтисодимиз таянчи бўлган миллий пул бирлигининг қадрсизланишига, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга салбий таъсир кўрсатаётганликларини англаб етсалар фойдалан холи бўлмасди.

Алишер ТОЖИЕВ,
СВОЖДЛКК департаменти
Шайхонтоҳур туман бўлими
бошлиғи

Мамлакатимизда банк-молия тизимига олиб борилаётган изчил ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бунинг жаҳон молиявий-иқтисодий кризиси давом этаётганга қарамай республикамиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани мисолида қўриш мумкин. Бугун банк соҳасини янада ривожлантириш мақсадида қўллаб-қўллаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Пластик картчалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 433-сонли ва

вий филиали мутахассиси Д.Мухаммадиевнинг иши эса ҳаммасидан ошиб тушди. У фуқаро Т.Ю.суповнинг номидан банк бошқарувчиси номига сохта ариза ёзиб, банкдан кредит ажратилишига эришиб, кредит маблағларини ўзининг шахсий пластик картчасига ўтказиб, шу йўл орқали ўзлаштириб юборди.

Хусусий тадбиркор Д.Нуриддинов эса ўзининг "Пайнет" шохбасидан фуқароларнинг пластик картчаларидаги 7,8 млн. сўм пул маблағларини ноқонуний нақдлаштирган.

Пластик картчалар асосида ҳисоб-китоб қилиш ва улардан фойдаланишда йўл қўйилаётган қонунбузилишларни аниқлаш, уларни бартараф этиш бо-

расида прокуратура органлари томонидан ҳам ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Мисол учун, Кўргонтепа туман прокуратураси томонидан "Миллий банк"нинг Кўргонтепа туман филиали ходими Т.Эргашев тумандаги бир неча мактаб ўқитувчиларининг пластик картчаларидаги 10,1 млн. сўм пулларни нақдлаштириш орқали ўзлаштириб юборганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, Пахтабод туман бўлими бўлими газначилик бўлимида бошлиғи О.Акрамов туман тиббиёт бирлашмаси ходимларининг пластик картчаларига иш ҳақи сифатида ўтказилиши лозим бўлган 15 млн. сўмин бошқа мақсад учун йўналтирилганлиги фош этилди.

Юқоридаги каби аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан жазонинг муқаррарлиги таъминланмоқда.

Шу билан бирга прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирилар Маҳкамасининг пластик картчалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қарорларининг тарғиботида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Улар жойларда мазкур қарорларнинг мазмун ва моҳиятини тадбиркорлик субъектлари, қорхона ва ташкилот ходимларига ҳамда аҳолига кенг тушунтириш тадбирларини олиб боришмоқда.

Фарход МАМАЛАТИПОВ,
Бош прокуратура бўлими прокурори

НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик картчалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 445-сонли қарорлари бунинг яққол далилидир. Бу эса аҳолининг мазкур соҳадаги эътиёжлари тўлақонли қондирилишида муҳим ўрин тутмоқда. Аммо айрим тижорат банкларининг масъул мансабдор шахслари ва баъзи тадбиркорлик субъектлари томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини амалга ошириш ҳамда пластик картчалардан фойдаланишда белгиланган қондаларга риоя этмаслик ҳолатлари учраб турибди.

Ана шундай ҳолатларга барҳам бериш мақсадида жорий йилнинг 9 ойи давомида Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти томонидан пластик картчалардан фойдаланиш тартибини бузиш, пластик картчалардаги пул маблағларини ноқонуний нақдлаштириш ҳамда ўзлаштириш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан 14 та жиноят иши қўзғатилди.

Хусусан, Департаментнинг Чилонзор туман бўлими томонидан "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Ҳамза тумани филиалига қарашли банк хизматлари маркази ҳудудлари жиноий тил бириктириб, фуқаролар О.Шверцтюрберг ва Г.Шверцтюрбергларнинг пластик картчаларидаги жами 8460 АҚШ долларини расмий ҳужжатларга қалбаки имзолар қўйиш йўли билан сечиб олганликларини аниқланди. "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Сирдарё минтақа-

Умар ФАЙЗИЕВ,
Собир Раҳимов туман прокурорининг катта ёрдамчиси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Ушбу мақсадларга эришиш учун, даставвал, муайян ишлар амалга оширилиши лозим: масалан, оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий муҳофиза қилувчи органларнинг раҳбар ходимлари томонидан фуқароларни қабул қилиш кунлари ва вақти ҳақида аҳолига мунтазам равишда ахборот етказилиши лозим.

Шу билан бирга, бевосита муасасанинг ўзида, кўза кўринарли жойда фуқароларни қабул қилиш

этилган. Бутунги кунда бундай илгор шакллар ўз самарасини бераётганлигини айтишимиз мумкин.

Мисол учун, ўтган 2008 йил республика бўйича прокуратура органларида фуқаролар, фуқаролар жамоаси, юридик шахслар ва турли ташкилотлардан 91824 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, 2007 йилга нисбатан 5536 тага ошган. Шулардан 4723 (2007 йилда 4053) таси бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори номига йўлланган. Бундан кўриниб турибдики, фуқаро

беришни хоҳлайдиган ходимлар ишлаши лозим. Айниқса, фуқароларни қабул қилувчи ходим, уларга нисбатан эътиборли бўлиб, барча гапларини шомасдан, диққат билан эшитиши, ҳурмат кўратиши ва ҳушумомалали бўлиши керак.

Фуқароларни қабул қилувчи ходим мурожаат этиб келганларнинг барча саволларига имкон қадар тўлиқ жавоб беришга ҳаракат қилиши керак. Агар лозим бўлса, ушбу масалани ҳал этишга қўмаклашиши мум-

ҳаётига доир маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, фуқарони мурожаат қилганлиги учун таъқиб қилиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Шу билан ҳам фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашдек ўта муҳим масалага Республика прокуратура органлари доимий эътибор қармоқдалар.

"Прокуратура тўғрисида"ги қонунда прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятлари-

қарор топиб, шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тикланиши сари қўйилган дастлабки қадамдир. Энди қарор ҳаётига таътибқ этилиши лозим. Лекин амалиётда ушбу қарор ижроси узоқ муаллифга чўзилиб кетиши ҳоллари ҳам учрайди, бу эса ўз навбатида фуқароларнинг такроран мурожаатлар ёзишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳар бир чиқарилган қарорнинг ижро этилиши муддатини ва унинг ижроси учун масъул бўлган мансабдор шахс белгилаб қўйил-

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ЭЪТИБОРДА

қонларининг санаси, вақти ва қайси бўлим (бошқарма) раҳбари томонидан қабул қилиниши кўрсатилган жадвал ёки ушбу масала юзасидан кимга мурожаат этиш мумкинлиги ҳақида ахборот осиб қўйилиши керак.

Бундан ташқари, навбатчи ёки бошқа махсус тайинланган масъул ходим томонидан фуқароларнинг исм-шарифи, манзили, телефон рақами, мурожаатининг қисқача мазмунини ва қайси мансабдор шахс қабул-га ёзилганлиги қайд этилган махсус китоб юритилиши лозим.

Фуқароларни қабул қилувчи раҳбар ёки бошқа масъул ходим уларни қизиқтирувчи барча саволларига тўғрив жавоб бериши учун мазкур масаланинг барча тафсилотларига ҳабардор бўлиши шарт, бунинг учун ушбу масалани тегишли бўлим ходимлари (мутахассислари) билан муҳокама қилиб олиши керак.

Юқорида айтиб ўтилган барча шарт-шароитлар республикасимизнинг прокуратура органлари фаолиятида тегишли тартибда ва мукамил даражада йўлга қўйилган, ҳаттоки мурожаат этишининг янги шакли тарикасида прокуратура органларида "ишонч телефон"лари жорий

роларимиз ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишини сўраб прокуратура органларига ишонч билан мурожаат этишлари йилдан йилга ошиб бормоқда. Таҳлилларга кўра, жорий йилнинг 6 ойи давомида, республика бўйича прокуратура органларида келиб тушган мурожаатлар сони 54 мингдан зиёд-ни ташкил этиб, улардан деярли ярми бевосита прокуратура органларида ҳал этилган.

Ҳар бир фуқаро тегишли давлат органларида мурожаат этар экан, мурожаати ўз вақтида ва адолатли қилиб чиқилишига умид қилади. Бироқ уларнинг барча истаклари ҳар доим ҳам амалга ошади деб бўлмайди. Мурожаатларни қўриб чиқиш, ҳал этиш ва ўз вақтида жавоб бериш вазифалари юклатилган айрим ходимлар масъулиятини зиммасидан соқит қиладиган ҳолатлар ҳам афсуски учраб туради. Бундай вазиятда фуқаро яна қайта-қайта қўлига қалам олиб, ёрдам излашга тушади.

Ҳар бир келиб тушган ҳал ортида тирик одам, унинг тақдири турганлиги аён. Айнан шунинг учун ҳам фуқароларнинг мурожаатлари билан жонқуяр, масъулиятни теран ҳис этадиган, ҳақиқатан ҳам ёрдам

кин бўлган тегишли бўлим ходимлари (мутахассислари) билан бирга маслаҳатлашиб, кўнуний ҳулоса чиқариб, кейин жавоб бериши мақсадга мувофиқдир.

Борди-ю фуқароларни қабул қилаётган (раҳбар) ходим қўйилган саволга дарҳол жавоб беролмаса, унинг ушбу масала юзасидан ёзма равишдаги мурожаатини қабул қилиб, муайян муддатни кўрсатган ҳолда ёзма ёки оғзаки жавоб берилишини билдириши шарт.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддаси талабларига зид равишда фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиниши ва қўриб чиқиши-ни асоссиз рад этиш, уларни қўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳамда шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганлик, фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш, фуқароларнинг шахсий

ни, давлат, жамоат ва бошқа ташкилотларнинг мурожаатларини қўриб чиқишлари ва ҳал этишининг бошқа тартиби белгиланмаган бўлса, фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини қўриши белгиланган.

Мурожаатлар, шу жумладан, шикоятлар ҳал этилиши учун жавобгарлик қонунга кўра тегишли органнинг мансабдор шахси зиммасига юкланган. Шикоят бўйича текшириш ўтказиш бошқа ижрочи-га топширилганлигидан қатъи назар, қарорни қонун бўйича ваколатли бўлган орган раҳбари ёхуд тегишли буйруқ билан ваколат берилган масъул мансабдор шахс қабул қилади. Бошқа ҳеч бир шахс томонидан шикоят қозидан қарор чиқарилиши мумкин эмас. Шикоят юзасидан бериладиган жавоб ҳам ёзма равишда ҳам (гарчи эътироз бўлмаса) оғзаки бўлишига қарамай, олдата фуқаронинг мурожаати қандай ҳал этилишидан қатъи назар ёзма равишда тақдим этилади.

Фуқаронинг шикояти қўриб чиқилиб, уни қониқтирадиган қарор қабул қилиниши адолат

са, мақсадга мувофиқ бўлади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими томонидан мурожаатлар ҳар ой таркибий тармоқлар билан бир-галликда таҳлил қилиниб, прокуратура органларида йўлланган ҳар бир мурожаат жавобсиз қолмаслик чо-ралари қўриб борилюкда.

Бўлим ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ҳуқуқ тарбиясини, фуқароларни қабул қилиш маданиятини янада ошириш ҳамда мунтазам равишда қонун устуворлигининг таъминланишига қаратилган фаолиятларини такомиллаштириб бориш-ни ўз олдларига мақсад қилиб қўйиб, бу бордада фаол меҳнат қилишмоқда.

Прокуратура органларида фуқароларимиз учун доимо эшикларини очиб, Уларнинг бузилган ва пой-мол этилган ҳуқуқларини тиклаш ва ҳимоя қилиш барчамизнинг вазифа-миз ва инсоний бурчимиз экан-лигини унутмаслигимиз даркор.

Шерзод АМИРОВ,

Бош прокуратура Фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими бошлиғи

Дейлик, сизга биров даблурстанган тўхмат қилди. Тўхматки, бошқад-оёқ ёлгон билан чулганган. Буларнинг бари ёлгон-яшқ эканлигини тўхматчининг ўзи ҳам жуда яхши билади. Устига устак бу уйдирмалар ёл ўртасида сизнинг шаънингизга иснод келтириши ҳам ҳеч гап эмас. Шундай вазиятда қай аҳволга тушардингиз? Тўхмат тошини отган кимсага нисбатан қандай муносабат билдирардингиз?

КИМКИ ТУҲМАТ ТОШИНИ ОТАР...

Вилоят прокуратураси томонидан Жарқўрғон тумани "Сурхон" СФУ, "Маслаҳаттепа" маҳалласида яшовчи фуқаро Маҳмуд Холматовнинг прокуратура юқори инстанциясига ёлган шикоят аризаси юзасидан текшириш ўтказилди. М.Холматов ўз аризасида 2008 йил 24 сентябрь кунини жиноят ишлари бўйича виллоят судининг ажримига мувофиқ эҳтиёт чораси сифатида суд залидан қамоққа олиниб, 23 октябрь кунини озодликка чиқаришганини, қамоққа олинган вақтида виллоят ИИБ 8-сонли тергов ҳибсхонасининг айрим ходимлари томонидан унга нисбатан қонуний ҳаракатлар содир этилиб, ёнидаги ҳужжатлари ва 350 минг сўмлик уяли телефони олиб қўйилганини, илгари суд ижросисини бўлиб ишлаганлигига қарамасдан ўша оғир жиноят содир этган судланувчилар билан бир хонада сақланганлигини, тергов ҳибсхонасидаги 101-камерада олиб чиқиш, таътибқ ўтказишганини, айбдорларга нисбатан қатъий чора қўриб, етказилган зарарини ундириб беришни баён қилган.

Иш ҳолатига қараганда, фуқаро М.Холматов 2008 йил 24 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "б" банди (фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончнинг суиестеиаси қилиш йўли билан ўзининг мулкни ёки ўзининг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш такроран содир этилиши) ва Жиноят кодексининг бошқа бир қанча моддалари билан айбланган. Жиноят ишлари

бўйича виллоят суди апелляция судлов ҳайъатининг шу кунги ажримига асосан қамоққа олиниб, виллоят ИИБ 8-сонли тергов ҳибсхонасига қабул қилинган. Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2008 йил 23 октябрь кунги ҳукмига асосан ойллик иш ҳақининг 30 фоизи миқдоридида давлат даромади ҳисобига ушлар-нинг қолган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган ва ҳибсхонадан шу кунини озод этилган.

Текшириш жараёнида сўралган адвокат Абдужаббор Алиқулов ўз тушунириш хатида М.Холматовнинг адвокат сифатида ҳимоя қилиб келганини, М.Холматов қамоққа олиниб, тинтув қилинган чоғида унинг ёнидан чиққан 38 минг сўм пулини, камари ва қўл телефони-ни қонвой ходимлари М.Холматовнинг илтимосига биноан унга берганлигини, у эса ушбу нарсаларни М.Холматовнинг онасига қилиб бориб берганлигини, М.Холматов ҳибсхона ходимлари устидан бирон-бир шикоят қилмаганлиги, аксинча унга яхши муносабатда бўлганликларини маълум қилиб келганлигини баён этган.

Фуқаро Шарофат Холматова ўз тушунириш хатида М.Холматовнинг онаси эканлигини, ўли суд залидан қамоққа олиганидан сўнг адвокат Абдужаббор Алиқулов ўлига тегишли бўлган 38 минг сўм пул, камар ва қўл телефони олиб келиб берганлигини маълум қилган.

Маъмур ҳолат юзасидан виллоят ИИБ бўлимига қонвой взводни-нинг милиционерни Шокир

ҳида хонада сақлаб, унинг адвокати иштирокида шахсий буюм-лари текширилганда мобил алоқа телефони ва пулини адвокат А.Алиқуловга берганлигини, Шундан сўнг М.Холматовнинг махсус автомашинанинг алоҳида бир кишилик панжара ўрнатилган кабинасига жойлаштириб, 8-сонли тергов ҳибсхонасига олиб келиб топширилганликлари баён қилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва виллоят ички ишлар бошқармаси томонидан ўтказилган текширув натижасига кўра, Маҳмуд Холматовнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори номига ёлган аризасидаги ҳолатлар ўз тасдиқини топмади, деган ҳулосага келинган.

Шундай қилиб, М.Холматовнинг шикоят аризасида келтирилган барча ҳолатлар неботланган. Шунинг учун ҳам виллоят прокуратураси томонидан бу шахс Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40-моддаси билан тўхмат қилишда, яъни била туриб ёлгон, бошқа бир шахсини шарманд қилувчи уйдирмаларни тарқатишда да айбдор деб топилиб, унга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Ишнинг мазмунан қўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди Маҳмуд Холматова энг кам ойл-лик иш ҳақининг ўн баравари миқ-доридида жарима жазоси тайинланди.

Фахриддин ХУШНАЗАРОВ,
Сурхондарё виллоят прокуратураси бўлими бошлиғи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Тўртинчи йўналиш - ташвиқот. ОАВда сайловли ташвиқоти, айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу жараён сайловчиларнинг муайян сиёсий партия ва унинг сайловли дастурига, муайян нозмодни ёқлаб ёки қарши овоз беришига туртки бўлиши билан характерланади. Бунда журналистлар ОАВ тўғрисидаги қонун, сайлов қонунчилиги ҳар қандай партия, гуруҳ ёки шахс манфаатларидан устунолигини эътироф этиши, ана шу ҳуқуқий воситалар негизида юзага келадиган ҳалол, сиёсий рақобат, сиёсий одоб доирасидаги адолатли баҳсларда сайлов кампанияси субъектларининг жамий масъулиятга эътибор қаратиши, уларнинг ёлгон широрлардан фойдаланишларига, аҳоли ўртасида сунъий равишда тарқатишга шарт-шароит яратиб бермасликлари даркор.

Айниқса, ҳозирги турли мамлакатлар маданияти, маънавияти, одамлари ўртасида ўзаро таъсир ва боғлиқликларнинг кучайиши, яъни глобализм широридида сайлов тизимини ёритишга оғоҳлик билан ёндашиш зарур. Алоқа весталарининг ривожланиши билан ахборот алмашуви ёки гоявий таъсир ўтказиш имконияти ҳам куч-

ЖИДДИЙ СИНОВ ДАВРИ

чаиб бормоқда. Бирон-бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган гоялар тез фурсатда бутун жаҳон бўйлаб ёйилимоқда. Натижада маълум бир давлат ёки сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қила-диган, олис ёки яқин манбалардан тарқаладиган ахборотлар, турли мафкуравий марказларнинг "ахборот босими" пайдо бўлмоқда. Глобализм жараёнидан ҳеч бир давлат четта чиқиб туролмайди ва у нуклида келтираётган маънавий-маърифий таҳдидлар дунё жамоат-чилигини ташвишга солмоқда. Француз социологи А.Мол ўзининг "Миллат социалдинамикаси" номли асаридида: "Бутун олдий ишчи "актини тўлдирин"да унинг метро афиласида ўқигани, радиода эшитгани, кино ёки телевизорда кўргани, ишга боришда йўлда га-зетда ўқиб олгани ёки ҳаммасларни ва қўни-қўшниларидан эшит-гани кўпроқ роль ўйнайди: мактабда олган тахсилдан гира-шира тушуначлар қолди, ҳолос", деб ёздаи ва шундай ҳулоса чиқарди: "Бизнинг давримизда билимлар асосан таълим тизими орқали эмас, балки оммавий ахборот воситалари орқали шаклланади". Мана шу мисолдан ҳам кўриниб турибдики, ахборот инсонияти учун ниҳоят-да муҳим ва чексиз, поёни йўқ ресурсга айланди.

Демак, бутуннинг журналистидан воқеликни шунчаки ёритиш эмас, мафкуравий таҳдидларнинг, хуружларнинг олдини олиш, буз-ғунчи ақидалар илдинини очиб ташлаш, қаламга олинган мавзунини теран ва ошқора таҳлил қилиб бериш талаб этилади.

Бўлажақ сайлов ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз ҳаётида ҳал қилу-вчи аҳамият касб этади. Халқ ҳўжалитининг барча соҳаларида туб ўз-ғаришлар ясади, чинакам демократиянинг қарор топишига ишчи қилади. Чунки истиқлол йилларида мамлакатимизда халқро ҳуқуқ андозлари ва талабларига, илғор чет эл юридик тажрибасига ҳамда миллий-тарихий анъаналаримизга мос сайлов қонунчилиги тизими яратилди. Ўзбекистоннинг ҳозирги замон сайлов ҳуқуқи халқ ҳо-кимиятини яққол намоён қиладиган муҳим конституциявий инсти-тутдир. Бунини жаҳон ҳуқуқшунослари ҳам эътироф этмоқдалар.

Норбўта ҒОЗИЕВ, журналист



ДИРЕКТОР СУДЛАНСА...

Шу йилнинг август ойида корхонамиз директори ишда йўл қўйилган хатолар туфайли устидан жиноят иши қўзғатилиб, иши судга оширилди. Корхонамиз масъулияти чеklangан жамият шаклида бўлганлиги учун бундай ҳолатларда таъсисчилар йиғилиши чақириб, янги директори тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиш керакми ёки директорининг устидан жиноят иши қўзғатилганлиги унинг ишдан бўшатирилганлиги бидирадими?

Л.Шокиров,
Тошкент шаҳри

Корхона раҳбари устидан жиноят иши қўзғатилганлиги унинг бу ишда айбдорлиги ва шунинг учун уни ишдан четлатишга асос бўлмайди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талаби бўйича, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахннинг иши судда қонуний тартибда, ошкора қўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Шу билан ҳам, мазкур вазиятда корхона раҳбари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш таъсисчилар умумий йиғилишининг қарори билан эмас, балки иш юзасидан суд қабул қиладиган ақуний тўхтамага боғлиқ бўлади. Агар суд ҳодимини жазога маҳкум этса ва суднинг мазкур ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, башарти бунинг натижасида ҳодим аввалги ишини давом эттириш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, шунингдек ҳодим суднинг қарорига биноан ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига йўланган тақдирда, меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлади. Бу ҳолатда Меҳнат кодексининг 106-моддасида назарда тутилган қоида амал қилади. Яъни, меҳнат шартномаси тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилинади.

АГАР ФАМИЛИЯ
ЎЗГАРСА...

Мен яқинда турмушга чиққанлигим учун фамилиямни ўзгартирдим. Шу сабабли жамғариб бориладиган пенсия дафтарчимни ўзгартиришим керакми ёки йўқми?

Д.Сатторов,
Бешарик тумани

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини ўзгартиришга ҳожат йўқ. Сабаби, "Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисида"ги Низом (ВМ 2004 йил 21 декабрь кунги 595-сонли қарорининг 1-илоvasи)нинг 13-бандида белгиланишича, фамилия, исм ёки отасининг исми, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловларини оловчининг ҳисобга олиш пайтида мавжуд бўлган паспортнинг серияси ва рақами ўзгарган тақдирда шахсий ҳисобга олиш маълумотларига тегишли қўшимчалар киритилади.

Аммо, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти қатнашчилари бўлган фуқаролар мазкур пенсия ҳисобварағидаги мавжуд маълумотларнинг ўзгарганлиги ҳақида иш берувчига ёки Халқ банкнинг филиалига ўз вақтида маълум қилишлари шарт.

ЎҚИШНИ ИСТАЙМАН

Менинг қизим шу йили Фаргона политехника институтига ўқишга кириш учун имтиҳон топширди. Аммо 132 балл билан ўтолмайди.

Қизим вилоят бўйича математика фанидан ўтказилган мактабларо олимпиадада 2-ўринга сазовор бўлган. Шу билан бирга тумандаги ихтисослаштирилган мактабни аъло баҳолар билан якунлаган.

Ҳар йили олий ўқув юртиларига тўлов-контракт асосида қўшимча ўринлар бериладиган. Бу йил ҳам бундай қўшимча ўринлар бериладими?

М.Махмудова,
Фаргона шаҳри

Олий ўқув юртилари томонидан тайёрланадиган мутахассисларни шартнома асосида мақсадли тайёрлаш йўналишлари ва тегишли квоталар давлат эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда вазириятлар томонидан аниқланади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Шу билан бирга, агар қизининг, Халқ таълими вазирилик, Маданият ва спорт ишлари вазирилик томонидан ўтказиладиган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиби ҳамда Халқ таълими вазириликнинг гувоҳномасини олган бўлганида, Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларининг мос таълим йўналишларига танловдан ташқари тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз қабул қилинар эди.

Бундан ташқари, Зулфия номидаги Давлат мукофотлари соҳибалари бўлган мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари мос таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига танловдан ташқари тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз қабул қилинади.

Халқ таълими вазирилик, Соғлиқни сақлаш вазирилик ва тегишли вазирилик, идоралар томонидан ҳар йили ўтказиладиган педагогика ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари ва таълим муассасалари тарбиячиларининг «Тарбиячи» республика танлови ғолиби, тиббиёт муассасалари ҳамшираларининг «Ҳамшира» республика танлови ғолиби, Бадий академиянинг таъсирли санъат бўйича республика танлови ғолиблари мазкур вазириятлар тақдирномаларига мувофиқ Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларига танловдан ташқари тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз қабул қилинади.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки 233-26-62 телефон рақамига қўнғироқ қилиб, айтиб беришингиз ҳам мумкин.

ТЕЗ-ТЕЗ ЧАҚИРТИРИЛАДИГАН
ХОДИМ

Бизнинг бир ходимимиз анчадан бери туман ички ишлар бўлимига тез-тез чақиртирилиб, бир жиноят ишида гувоҳ сифатида иштирок этиб келмоқда. Шу сабабли ҳақида у ярим кун ҳам ишга келмай қоляпти. Айтингчи, бундай вазиятда иш мажбуриятини бажармаган ходимнинг ойланини қандай ҳисоблаб чиқарамиз?

Н.Шомуродов,
Тошкент шаҳри

Ходимнинг суриштирув органларига, терговчи, прокурор ҳузурига, судга гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, ҳолислар тариқасида (чақириқ бўйича) бориши давлат ва жамият манфаатларига доир ишни бажариш сифатида қабул қилинади.

Бундан ташқари, Вазирият Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарорининг 5-илоvasи — «Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришлари, шунингдек, уларнинг жамият манфаатларига доир ҳаракатлари амалга оширишлари билан боғлиқ кафолатли тўловларни бериш Тартиби»да бу каби ишларга яна:

- сайлов ҳуқуқини амалга ошириш;
- депутатлик ва сенаторлик вазифаларини бажариш;
- тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ишида иштирок этиш;
- ҳарбий бурчини бажариш;
- халқ маслаҳатчилари, жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячилари, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари вакиллари сифатида суд мажлисларида, шунингдек, қонун билан назарда тутилган бошқа ҳолларда иштирок этиш ҳам кирди.

Шу билан бирга ходимлар томонидан авариялар, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш, инсон ҳаётини сақлаб қолиш, қон топириш ва бошқа шу каби ҳолатлар жамият манфаатлари йўлида қилинадиган ҳаракатлар бўлиб ҳисобланади.

Ходимнинг қонун билан белгиланган ёки тегишли органнинг чақириқ қозонида, хабарномаси асосида бундай вазифаларни бажариши вақтида иш берувчи ходимнинг иш жойи (лавозими)ни сақлаган ҳолда уни ишдан озод қилиши шарт.

Ходимнинг бундай ишларни бажарган вақтдаги ўртача ойлик иш ҳақи тегишли орган томонидан берилган маълумотномада кўрсатиб ўтилган муддатдаги лимитга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

Давлат бошқаруви органлари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва бошқа ҳўжалик бирлашмалари бошқарув аппарати, шунингдек, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, молиявий таъминлаш манбаларидан қатъи назар, ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ кафолатли тўловларни ташкилотларнинг иш ҳақи фонди ҳисобидан амалга оширилади.

ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ
ИМТИЁЗИ

Мен айни пайтда Ўзбекистон Куролли Кучларида ҳарбий хизматни ўтатаяман. Келгуси йилнинг баҳорда хизмат муддатини тугайди. Хизматдан қайтиб, олий ўқув юртига ўқишга кирмоқчиман. Ҳарбий қўмондонликдан тавсиянома олсам, ўқишга киришда бу неча балл беради?

Н.Қурбонов,
Самарқанд шаҳри

Вазирият Маҳкамасининг «Муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида» 1994 йил 3 октябрдаги 496-сонли қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар тавсияномасига эга бўлган абитуриентларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда, тест синовларида улар тўплаган балларга энг кўп тўплагани мумкин бўлган баллар миқдорининг 10 фоизини қўшиш имтиёзи берилади.

Олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари ушбу тоифага кирувчи абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни таълим йўналиши, ўқув шакли ва тили кўрсатилган ҳолда белгиланган шақлар бўйича Давлат комиссиясига ва Давлат тест марказига тақдим этади.

ПЕНСИЯГА ЧИҚИШДА
ИМТИЁЗ БОРМИ?

Мен шаҳар аэропортда каспир-диспетчер лавазимиде йилгирма олтми йиллик меҳнат стажига эга бўлдим. 2000 йили штат қисқариши муносабати билан ишдан бўшатиладим. Бугунги кунда 52 ёшга тўлдим. Нафақага имтиёзга асосда чиқсам бўладими? Менга пенсия тайинлашда қандай имтиёзлар бор? Қачондан пенсияга чиқсам бўлади?

Д.Махмудова,
Фаргона шаҳри

Имтиёзли асосда пенсияга чиқиш учун қонунда белгиланган мезонларнинг бўлиши талаб этилади.

«Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида, технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш ҳусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган аёллар — 53 ёшга тўлганда ва иш стаж камиди 20 йил бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар, деб белгиланган. Бироқ, бу ҳуқуқдан сиз фойдалана олмайсиз. Сабаби, штат қисқарган вақтда сизнинг ёшингиз бунга мувофиқ бўлмаган. Қолаверса, сизнинг лавазимингиз имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган тоифага кирмайди.

Айни пайтда сиз фақатгина «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 121-моддасида назарда тутилган тартибда эллик тўрт ёшга тўлганлигизда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Саволларга Сергели
туман прокурори Ёрдамчи
Нафиса РУСТАМОВА
жавоб бери

Ўтган ҳафта қизимнинг мактабидан ота-оналар мажлиси бўлди. Мажлис тугаши арафасида ўқитувчи болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини ошириш учун Ботаника боғига олиб боришимнинг тавсия қилди. Дам олиш кунини қизим билан боққа йўл олдик. Дарвозадан кираверишдаги ҳовузини кўриб, тўхтаб қолдик. Ундаги гуллари томоша қилсангиз, баҳри дилингиз очилар экан. Бу ерда бироз тургач, ичкарига қадам қўйдик.

Олдимиздаги йўл худди эртақдаги сингари уч қисмга бўлинган экан.

— Қизим, қайси йўлдан бора-миз?

— Тўғри йўлдан.

Атрофимизни гўзал манзара қураганди. Анвойи гуллар ва турли хил ажиб дарахтлар йўлнинг икки четини беаган. Она-бола уларга маҳаббат билан ичкарилар эканмиз, қизим ҳали у томон, ҳали бу томондаги гуллarning ёнига югуриб борар, назаримда бу гўзалликдан ўзгача баҳра оларди. "Ҳа, ўқитувчиси тўғри айтган экан. Иш билан рўзгор орасида ўралашиб юрармасдан бунақа жойларга ҳам чиқиб туриш керак экан!" Дилимдан шундай ўйлар ўтар экан, шундай гўзал табиатнинг ҳуснини бузиб турган бир "манзара"га кўзим тушиб қолди. Йўлдан четроқда ёшгина йигит билан қиз туришар, уларнинг ўзаро қилаётган ҳатти-ҳаракатларини эса ифодалаб беришга тил ожиз эди.

Афеуски, уларга қизимнинг


Шу каби фикрлар тинчлик бермагач, Тошкент Ботаника боғининг бош директори Бобоқул Тўхтаевга учрашиб, у кишининг бу борадаги фикрларини билмоқчи бўлдик.

— Боғимиз маданий ҳордиқ чиқариш, табиат ҳақидаги билимларни бойитиш ва экологик муҳитни яхшилаш учун хизмат қилади. Худудимиз катта, 68 гектарни ташкил қилади. Афеуски, гоҳида сиз айтгандек ҳолатлар ҳам учраб туради. Уларнинг олдини олишда, бартараф қилишда милиция таянч пунктлари ходимлари, шунингдек, маҳалла посбонлари мунта-

бўлиши ҳам сир эмас. Ички тартибни бузганларнинг кўпчилиги ўқувчи ва талабалардан иборат. Тартибсизликнинг олдини олиш, турли хил ахлоқсизликларни бартараф қилиш учун назоратни куцайтирганмиз. Аввало, бу ерга ташриф буюрганларнинг сони кириш ва чиқишда мунтазам назорат қилинади. Иккинчидан, ёшлар тозалikka риоя қилиши ва ахлоқсизликка йўл қўймасликларини ҳақида оғоҳлантирилади.

Шу пайт боққа бир йигит билан қиз кириб келишди. Нозир уларга ишора қилди:

— Мана сизга бир мисол.



— Маҳаллага профилактика ишлари бўйича худуд катта нозир бўлиб яқинда тайинландим. Қонунбузарликларга қарши кураш бўйича турли чора-тадбирлар олиб бораёмиз. Сизни қизиқтирган масала, яъни ёшларнинг ноҳуш юриш-туриши ва вояга етмагандар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш ва курашиш бўйича бир қатор ишлар олиб бораёямиз. Гапингиз тўғри, кўпинча польдездлар олдидagi ўриндиқларда ёш йигит-қизларнинг ахлоқсизлик ҳаракатлари ҳақида эшитиб қоламиз. Бундай ҳолатларда улар милиция таянч пун-

гулом қил,
Одобсизни одобинг билра
ром қил.

Шунингдек, Ислон динида ҳам ахлоқсизлик жиҳатлари қатъий қораланиб, юксак фазилатлар ардоқланади. Ҳадиси шарифларда шундай ибора бор: "Ораларнингизда энг яхшингиз — худди яхшингиздир". Ички гўзаллиги мустаҳкам бўлган инсон ахлоқий фазилатларни ташқарида намоян қилади.

Юксак ахлоқнинг шаклланишида болалар муассасалари, санъат турлари, телекурсулар, ра-

МАЪНАВИЯТИМИЗ БОҒИ СЎНМАСИН!

ҳам кўзи тушди. Тушди-ю шартта ўғрилиб, мени кучоқлаб олди. Унга нима дейишга ҳайрон қолдим. Сўнг шоша-пиша:

— Булар қулқосиз болалар, қизим. Ўр, яхсини зоопаркка киримиз, — дедим ноилж.

Хайвонот боғини айланиб бўлгач, уйга қайтиш учун автобуска чиқдик. Не кўз билан кўрай-ки, салоннинг кириш қисмида бир-бирига суйкалган йигит билан қиз туришарди. Ҳеч кимнинг иши йўқ. Йўл-йўлакай айланиб кетдик. Бу қанақаси? Наҳотки шу даражада бори қолдик? Бугун ёшларимизнинг ахлоқсизлигига беларво бўлса, давлатимизнинг келажаги билан тақдир эртага қандай кўриниш касб этади?

Дарҳақиқат, айрим ёшларнинг жамоат жойларида, ҳаммамнинг кўз ўнгидан бир-бирига суйкалганини кўриб, улар эмас, кўрган одам уялиб кетади. Тўғри, ёшлар қиройи ва гўзал нарсаларга ўч бўлади. Ким билди, балки айримлар енгил-елпи ҳаётни гўзал турмуш, деб фарз қилар. Аслида гўзаллик ҳам бамисоли дарахт. Унинг япроғи ахлоқ, илдини ички дунё, меваси эса яхши фазилатлар. Уйлашимизча, одам боласиди гўзаллик — табиат ато қилган ҳусн-жамолдан ташқари, энг яхши худқ-атворни, инсондаги энг яхши фазилатларни ўз ичига олган одамийликдан иборатдир. Мана шундай гўзаллик эса инсонга ҳусн беради.

Инсонни маънавий жиҳатдан гўзал қилидиган сифатлар ҳамда ҳусуеиятлар орасида ахлоқ ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Одам боласи билими, тажрибаси, шижоати, ташқи қиёфаси билан бошқаларда ҳавас уйғотиши мумкин. Аммо ахлоқ бузуқ, худқи ёмон бўлса-чи? Шунинг учун ҳар ким одамлар назаридан қолмасликка, ноҳуш ҳаракат ё хунук сўз билан ўзини ёмон олтиқ қилмасликка ҳаракат қилади. Уни шундай қилишга ахлоқ шарти мажбур қилади. Ҳар қандай ижтимоий тузумнинг ўз мафкуриси, курашиши ва интилишини ақл эттиридан ахлоқ бўлади. Шунинг учун ахлоқни жамият ойнаси деб ҳам аташ мумкин.

зам назорат олиб боришмоқда. Шунингдек, тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳам кенг йўлга қўйилган.

Инсон онадан ахлоқсиз ё безори бўлиб туғилмайди. Тўғрими? Бунинг ҳамма билди. Уни кейинчалик ё ижтимоий тузум, ё муҳит бузади. Бизнинг жамиятда эса одамнинг бузилишига на замин бор ва на асос. Шунинг учун бизда баъзи ахлоқсизлик, безорилик, техникхўрлик ҳолатлари фақат тор муҳит таъсирида юзага келган иллатлар бўлиши мумкин. Акс ҳолда, туппа-тузуқ йигит-қизларимиз ёшликдек катта бойликни беҳуда совурмасди. Кўча-кўйда санқимай, бирор ҳунар ўрганишни, текинтомоқ бўлишни эмас, меҳнат билан яшашни, ота-онани қақшатишни эмас, рози қилишни ўйлар эди. Энди боғ маммурияти томонидан бу борада олиб борилаётган ишларга келсак: ёшларнинг бу ерда ахлоқсизликка йўл қўймасликлари учун кўргазмavi баннерлар қўйишни режалаштирдик. Баннерларда боғимизнинг тарихи, давлат аҳамиятига молик объект эканлиги, экспозициялар, уларга қандай асос солингани, турлари ва ривожланишидаги аҳамияти, шунингдек, илмий ва техник ходимларнинг меҳнати намойиш этилади. Уйлайманки, бу билан ёшларнинг маданияти ва маърифатига маълум даражада ҳисса қўшамиз. Албатта, ютуқлар бор жойда, камчиликлар ҳам бўлади. Ҳақиқатини эса инкор қилиб бўлмайди...

Директорнинг фикрларини эшитган, боғнинг кириш қисмида жойлашган милиция таянч пунктига киридик. Таянч пунктининг профилактика катта нозирини Воҳиддон Юлдашев куйидагиларни гапириб берди:

— Боғимизда жуда кўпала саёҳатчилар келишади. Айнақса, ёшлар серқатнов. Ҳар хил одамлар. Кимдир таълим даргоҳидан, кимдир ўқини жойидан саёҳатга, баъзилар илмий иш учун маълумот олгани келади. Улар орасида тартибсизлик кузатишмайди. Фақат баъзида жўф бўлиб келганларига тартибсизликка йўл қўйишмоқда. Ёшлик-бебошлик деганларидек, ахлоқсиз ҳатти-ҳаракатлар содир

Қаранг, икки киши киришди. Чиқишда ҳам иккаласи бирга чиқиб кетиши шарт. Акс ҳолда бир ўзи чиқиб келгани учун ушлаб қолинади. Шеритининг қаердагиди суриштирилади. Тартибни бузган ёшлар таянч пунктига олиб келинади. Шахсини тасдиқловчи билрон-бир ҳужжати олиб қолинади. Зарур ҳолларда баённома тузилиб, тегишли органга хабар берилади. Ҳолатга қараб, ёшларнинг ота-онасига ва ўқиш жойларига ҳам хабар берилади. Кўпинча қизларнинг келажагини ўйлаб, вазиятга қараб, ошкор қилмасликка ҳаракат қиламиз. Бир ёми ўзбекчилик. Шунинг учун қизларимизни ҳеч қачон шарм-ҳаё, ибо ва ифрат каби фазилатлар тарқ этмасин, одамлар эса инсоф-иймонидан айрилмасин, деб ният қиламиз.

Ачинарлиси, пойтахтимиздаги "Миллий боғ", "Ғафур Ғулом боғи", "Бобур боғи", шунингдек, бутунги кунда ёшларимиз айланиши урф бўлган "Япон боғи"и ҳам юқоридаги каби ахлоқсизлик ҳолатларидан мустасно эмас. Ўтириб, ҳордиқ чиқариш учун мўлжалланган ўриндиқларни ёшлар эгаллаб олишдади, ноҳуш қилиқлари билан ўтган-кетган йўловчиларнинг гашига тегишади. Гоҳи баъзи бебоқларнинг ибосизлиги туфайли қисқа йўлни узун қилиб ўтишга ҳам тўғри келади.

Уйга қайтишда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган қўшни аёлни учратиб қолдим. Салом-алиқдан кейин у қаёқдан келаётгани билан қизикди. Айтдим.

— Жуда яхши маъзунини кўтарибсизлар. Бундай бебаёларнинг таъзирини берадиган вақт аллақачон бўлди-ку! Айтмоқчи, кўп қаватли уйлар олдига тўлғаниб, шовқин қиладиган, ҳар хил қилиқлари билан болаларимизга "ўрناق" бўлаётганлар ҳақида ҳам ёзасизми?

Қўшни аёлнинг гапи билан Қора-қамиш 1/2 ҳақда "Навбаҳо" маҳалласида жойлашган милиция таянч пунктига ҳам мурожаат қилдик. Маҳалла профилактика ишлари бўйича худуд катта нозир Алишер Самадов куйидагиларни маълум қилди:

Маданият, ахлоқ-одоб дўконда сотилмайди, шунингдек, етуклик шаходатномасига ёки дипломига "бу киши ахлоқий ёки маданият" деб ҳам ёзилмайди. Бу юксак ҳуқуқни одамга унинг ҳаётда тутган ўрни, меҳнати, худқ-атвори беради. Ахлоқ инсонларни яхшиликка қақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир. Жамият тараққий этгани сари ахлоқий муносабатларга эътиборни кучайтириш эҳтиёжи туғилаётди. Сабаби, бирон мамлакат ёки жамият маънавий-маърифий имкониятларини ривожлантирмай туриб, ўз келажагини тасаввур эта олмайд. Маълумки, жамиятнинг ривожланиши инсонларнинг ахлоқий, одобий, ақл-идроқи, ҳалол меҳнати асосида олға қараб боради. Маънавий қадриятлар таркибидаги ахлоқ меъзоилари тарбиянинг негизини ташкил этади. Тарбиявий жараёнсиз жамият тараққий эта олмайд. Тарбия эса ахлоқий фазилатларни сингдиришдан бошланади. Бунинг натижасида инсон комилликка қараб боради. Комиллик ўз-ўзидан пайдо бўлмай, инсон яшаган жамиятга, муҳитга боғлиқдир. Мусулмонлик йилларида бу муҳим масала юзасидан бирмунча ишлар амалга оширилди. Таълим соҳасида ва қадрлар тайёрлаш йўналишлари бўйича қатор қарор ва қонунлар қабул қилинди-ки, ҳозирги кунда бу қарор ва қонунлар асосида замонавий дастур ва дарсликлар, қўланма ва кўргазмavi қўроллар ишлаб чиқишди, ҳаётга татбиқ этилаётти. Ахлоқ ва одоб

диоадаги суҳбатлар, газета ва журналларда чоп этилаётган мақолалар, қиссалар, романлар, видеофильмларнинг ҳам таъсири катта ҳисобланади. Лекин бу соҳалар ҳаминша ҳам инсонларда юксак ахлоқий жиҳатларни тўғри шакллантиравермайди. Булар ичида анча саёз, умумхалқ талабига жавоб бермайдиган кўрсатув ва эшиттиришлар, асарлар ҳам чиқиб қолади. Масалан, европача кишинининг баъзи турлари, жангари ва шахвоний фильмларнинг намойиш қилиниши, чет эл эстрадаларининг ёқимсиз ашула ва мусиқаларини эфирга тарқатиши ва баъзи рекламалар фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Ахлоқий хислатларни шакллантиришда "Қобуснома", "Махбуб ул-қулуб", "Ал-адаб ал-муфрар", "Ҳамса" каби асарларнинг беқис ёрни борки, улардан ҳар бир ёш баҳраманд бўлса, уларда юксак ахлоқий хислатлар тақомиллашади.

Яхши ахлоқ ва одобга эга бўлган инсонлар доимо халқ, эл-юрт ҳурматига сазовор бўладилар. Улар биринчи навбатда ўз оиласи, қўни-қўшилари, қариндош-уруғлари, таниш-билишларини ҳам ҳурмат қиладилар. Шу жумладан, улар хиёнатдан узоқ юрадиган, ўғитларга қулқол солидиган ва риоя қилиб, ўзларининг бахтли бўлишларини ҳам таъминлайдилар. "Кимки қалбини ймон учун ҳолис ва соғлом, тилини росттўйи, ўзини хотирхам, худқини тўғри, қулқини тингловчи, қўзини ибрат назари билан боқувчи қилиб олган бўлса, демак у бахтлидир", — дейилади пайғамбаримиз ҳадисларида. Демак, ахлоқ ҳар бир инсоннинг ўзини-ўзи англашига кўмаклашади. Ахлоқий инсонлар маърифатли бўладилар.

Зеро, юртбошимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек: "Таълим-тарбия соҳасидаги ислохотнинг чегараси ва поёни йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўйётган янги-янги талабларга қўра муттасил равишда ўзгариб, янгилашиб бораверади... Инсон тарбияси давлат исбатининг устувор соҳасидир".

Ғули ХОЖИМБОВА,
"Huquq" мухбири

Тўкин яшаш ҳар бир инсоннинг оғзиди. Аммо оғзу-ҳавас қаноат суви билан сўғиролмас экан, у баъзида кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Оғзу-ҳаваснинг ижобат бўлиши учун кўпроқ даромад топишни асосий восита деб билган, бунинг учун энг осон йўл

бўни яхши билгани боис ҳам, кўчада йиғилиб турган маҳалладошлари олдида қўриб, "тушунтириш иш"ларини бошлади. У аксис таклиф қилаётган қўриқлардаги маош-у-у ердаги шариотлар ҳақида шунчалар ишончли қилиб, кўпиртириб гапирди-ки, қўшнис Қулмон биринчилардан

қилмасди. Улар бир давлатдан иккинчисига чегарани бузиб ўтаётганларидек илк қийинчиликка учради. Шунда ҳам ўз "мақсад"лари сари олган иштироки, "пул топса, ҳаммаси унут бўлади", деган ҳаёл уларга таскин берди. Аслида-чи?

Умонбой ўзи билан бирга кел-

бири ҳақида алоҳида тўхталмиш истаганимиз йўқ. Аммо, ушбу алдов йўли билан жабр кўрганлар ичида вожа етмаган ўсимнинг ҳам борлиги ачинарлидир. У ҳам 2007 йилнинг апрелидан август ойигача ўша қўриқларда ишлаган. Аммо ваъда қилинган иш ҳақини тўлиқ ололмаган.

Яна ҳам ачинарли бир ҳолатни айтиб ўтмай иложи

қўриқлардан ундан дарак йўқ экан. Ақсис Баҳодир билан қариндоши Зоирнинг қўриқларига шериқ бўлиб, алдов йўли билан, ўзгалар меҳнати эъзига бойлик орттиришдек нопок ишда бевосита иштирок этган Умонбой жиноятига яраша тегишли жазога тортилди.

Юқорида инсоннинг яхши яшаш учун интилиши ҳақида гапириб ўтган эдик. Сўзимиз сўнггида Ўзбекистон ҳақ ёзувчиси Тоҳир Муҳаммаднинг "Одамийлик мулки" номли китобидаги ушбу жумлаларни келтиришни ўринли деб билдик. Зеро, воқеамиз қаҳрамонлари бошидан ўтган кунлар ҳам қаноатсизлик эъзига айланиб қолган бўлиши шубҳасиз. "Инсоннинг бахтли яшашларида монелик қилдирилган нарсалар - уларнинг мол-тўлаш касалига мубтало бўлиб қолишларидир. Мол-тўлашни инсон тоғиб қўриш, ҳидлаш, сезиш каби эҳтиёжларини қондириш учун қилади. Лекин бу сезиларнинг ҳеч бири мақсадга етиш учун қийоғ қилмайди. Инсонга мол-дунё насиб бўлса-да, у дунёда ҳам, охирида ҳам зийдан бошқа нарсалар келтирмайди."

Фаррух БОБОРАХИМОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи ўринбосари

"ҲАММАСИ УНУТ БЎЛАДИ..."МИ?

— Ўз ҳамюртларидан, уларнинг меҳнатидан фойдаланишни ўзларига "қасб" қилиб олган кимсалар афсуски, ҳали-ҳануз орамизда учраб турибди. 2007 йил апрель ойининг ўрталарида Умонбойнинг қўл телефонида Қозғистонга кетган ақсис Баҳодир (исм-шарифлар ўзгартирилган) кўнғироқ қилди. У Олмота шаҳридаги қўриқ объектда иш бошлаганини айтиб, ишчи кучи етказиб беришни таяинлади. Ақсиснинг гапидан яхшигина даромад қилиш мумкинлигини тушуниб етган Умонбой Қозғистонга бориб ишлаш ҳоҳловчиларни топиш ҳаракатига тушиб қолди. Тўғрида, ойига уч юз минг сўм иш ҳақи, ўз ватанида ўзини "ишсиз" ҳисоблайдиган баъзи бировлар учун жуда катта маблағ бўлиб туролди. Умонбой

бўлиб ишга ёлланди. Умонбой унга тайёргарлик қўришни, қолганларга эса ўйлаб қўришни масала қилиб, Тошкент вилояти марказида яшовчи қайночасиникига йўл олди. Салом-алиқдан кейин ақсис Баҳодирнинг Олмота шаҳридаги катта қўриқларда иш бошлагани, ишчилар кераклиги, маош ҳам шунга яраша эканлигини айтган эди, қайночаси ўғиллари Аваз билан Салимларни ҳам олиб кетишни сўради. Бу ерда Умонбойнинг иши бароридан келди. Чунки Аваз ва Салим билан бирга яна уч йигит пул ишлаб келиш истагани билдиришди. Аммо пул топиш, бойлик орттириш мақсадида ўзга юртларга кетишни ихтиёр этаётган бу йигитлар, бегона жойда нон ейиш осон эмаслигини ўша вақтда тасаввур ҳам

ган йигитларни ақсис Баҳодир ва қариндоши Зоирга топширгач, яна ишчи кучи ёллаш мақсадида Ўзбекистонга қайтди. Май ойининг ўзига яна олам ёллаб, тўрт мартаба Қозғистонга келиб кетди. У ерга борган йигитлар қўриқ объектда бригадир бўлган Баҳодир билан Зоирнинг қўл остида бир неча ой давомида ишлаган бўлсалар-да, ваъда қилинган иш ҳақининг бор-йўғи бир ойлигини олишди. Ўртада нон чиқди. Бу орада Қулмон 2 ой-у 15 кун ишлаб, уйига қайтиб келди. Ваъда вафо қилган Умонбойнинг иш ҳақини июль ойида келтириб берди. Қолганларнинг эса атиги бир ойлик иш ҳақи сифатидаги 100-200 минг сўм пулларини уйларига келтириб берди, ҳоло...

Бу воқеа қўриқларнинг ҳар

йўқ. Мазкур иш бўйича қўриқдан суд мажлисида жабрланувчи Сайидов Амрининг қўниёй вақили сифатида унинг келини иштирок этди. 3.Сайидованинг айтишича, 2007 йилнинг май ойида қайночаси Умонбой деган таниши Қозғистонда ишлаш учун одам йиғайганини айтган. Орадан уч кун ўтиб, у Умонбой билан бирга Қозғистонга кетган ва июль ойида иш ҳақини ололмаганидан норози бўлиб, уйига қайтиб келган. Орадан бир неча кун ўтиб, Умонбой А.Сайидовга иш ҳақи сифатида бор-йўғи 80.000 сўм берди кетди. Бундан норози бўлган қайноча бир неча бор Умонбойнинг уйига қолган иш ҳақини талаб қилиб боради. Бу қатновлар натижа бермагач, ноябр ойида иш-лаш учун Россияга кетади ва шу

ҚОТИЛЛИККА ЕТАКЛАГАН ЗАБОН

Қаҳратон қиш. Укаси Карим ва синфдоши Ражаббой (исм-шарифлар ўзгартирилган) билан Хива деҳқон бозорига бораётган Сарвар, тўсатдан "бир дақиқага, шаҳодатнома олишим керак эди" деди-ю, йўл бўйидаги қасб-хунар коллежга бурилди. Шериклари унга эргашди. Ўқитувчини излай-излай, спорт залига кириб қараса, коллеж талабалари стол тенниси ўйнаётган экан. Сарвар қизикиб, ўйинни томоша қила бошлади. Ҳамроҳлари ҳам унинг ёнидан жой олишди.

Ўйинни бошқариб турган коллежнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Алишер Нодировнинг қўзи бегона йигитларга тушгач, ўзини таништирмай, Каримдан бу ерда нима қилаётганини сўради. Карим ўйинни томоша қилаётганини айтгач, хонани бўшатгани буюрди.

— Чикмайман. Нима қиласан?

Алишерга ўзидан икки-уч ёш кичик бўлган Каримнинг жавоби оғир ботди. У йигитчани тартибга чакриш ўрнига дабдуретдан "зўрмисан", деб сўради.

— Ҳа, зўрман.

— Зўр бўлсанг, юр уришамиз, — Алишер шундай дея уни ташқарига, очик майдонга бошлади. Ўқувчилар уларга эргашди.

Вазифаси таълим-тарбия бериш бўлган ўқитувчи, жанжалнинг олдини олиш ўрнига, ўзи бу йўлни танлабди-ми, Каримдан нимани кутиш мумкин эди?

Алишер кўрткасини ечиб, ўқувчилардан бирига берди-да, ҳужумга ўтди. Муштлашув бошланди. Уларни ажратмоқчи бўлган Сарвар укасининг калтак ейишига чидаёлмай, муштлашувга қўшилиб кетди ва Алишерни уриб, тепа бошлади. Шу пайт коллеж директорининг ўринбосари бир ўқитувчи билан келиб, уларни ажратиб қўйди. Йигитлар уйлари, Алишер эса коллежга қайтди.

Тушқи соат 12лар чамаси Алишерга дўсти Зокор кўнғироқ қилиб қолди. Алишер ундан яна бир ошпази билан коллежга келишларини сўради. Улар келгач, Алишернинг юзидagi жароҳат изларини кўриб, сабаби билан қизиқди. Воқеани эшитган Каримнинг уйига бориб, ўзи ва ота-онаси билан гаплашиб олишга келишди. Бу йўловчи машинада "Гандимен" қишлоғига йўл олишди. Аммо Каримнинг уйини топа олмади. "Меҳмон"ларнинг авзойидан хушёр тортиган ҳамқиллоқлар ундай одамни танимасликлари айтишди.

Улар орқага қайтишган заҳоти ҳамқиллоқлардан бири Сарварнинг қўл телефонида кўнғироқ қилиб, коллеж ўқитувчиси уларни излаб юргани ҳақида хабар берди. Сарвар уйдан ошхона пичогини яширинча олиб, укаси Карим ва дўсти Ражаббой билан яна коллежга қайтиб борди. Карим талабаларнинг биридан Алишернинг қўл телефони рақамини аниқлаб олди. Сўнг рақибига кўнғироқ қилиб, коллеж ёнида турганини айтиб, шу ерга келишни таклиф қилди.

Улар коллеж чорбоғида учрашди.

Карим олдинга чиқди:

— Яккама-якка уришамиз.

— Иккала ҳам хиваликсизлар. Уришманлар, — Алишернинг ёнидаги дўсти тобора "алангаланаётган" жанжалнинг олдини олмоқчи бўлиб, гап қўлди.

Сарвар унга аралашмаслигини айтиб, четга тортиди. Яна муштлашув бошланди. Сарвар жангчи бироз томоша қилиб турибди, тўсатдан яшириб турган ошхона пичогини чиқариб, рақиб томонга ўқталла бошлади.

— Қочинлар, пичоги бор! — Йигитлардан бирининг ҳайричирини билан иккинчи томон қочишга тушди.

Сарвар уларнинг изидан югурди. Ақсис коллежгаги танишидан футбол тўпи олишга келган, ҳеч нарсадан хабари йўқ Дамир ногаҳон унга дуч келиб қолди. Сарвар ўзини бошқара олмай Дамирнинг орқа қичкинига зарба урди. Пичоқ унинг қўлигини кесиб юборгач, йигитнинг бўйнидан қучоқлаб, юрагига пичоқ санчди. Ҳодиса шунчалик тез юз бердики, аввалги йиғилганлар ҳеч нарсани тушунишмади. "Нексия"си олдида кутиб турган ақсис зудлик билан Дамирнинг касалхонага олиб кетди. Аммо шифокорларнинг уриниши самара бермади, ёшгина йигит вафот этди.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди томонидан Сарвар Мадрохимов 17 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Қасддан баданга енгил шикаст етказгани учун коллеж ўқитувчиси Алишер Нодиров икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланди.

Жаҳлига эрк бериб бирининг ҳамда ўзининг ёш урини хазон қилганидан икки томоннинг ҳам яқинлари қаттиқ қайғула.

Райхон ЮСУПОВА,
Хоразм вилоят прокуратурининг катта
ёрдамчиси
Фарход МУХАММАДИЕВ,
журналист

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ўзларининг эзгу амаллари билан одамларнинг юрагидан бир умрга жой оладилар. Гўё улар бу оламга яхшилик қилиш, ўзгаларнинг ташвишларига шерик бўлиш, оғирини енгил қилиш учун келганди. Улар ҳаммиса ҳаммага керак, дегинг келадик.

Бироқ, "Гуруч курмак сиз бўлмайди", деганларидек айрим кимсалар яхшилик у ёқда турсин, текин бойлик орттириш пайида бегуноҳ, содда кишиларга ёмонликни раво қўришди. Ўндайларнинг режалари амалга охсас, неча-неча юраклар озор чекади. Асли когонлик Зумрад Маҳмудова Бухоро шаҳрилик Шарифа Шарапова (исм-фамилиялар шартли равишда ўзгартирилди) билан олдиндан жиноий тил бириктиришди. Улар 2003 йил-

ЙИЛЛАР ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

дан буён Бухоро, Хоразм, Самарқанд ва Наманган вилоятларида ашовчи ёш қизларни шахвоний мақсадларда ёллаб, уларни Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқишди. Пул ва бойлик васвасасига тушган бу одамфурӯшлар инсонийлик чегарасидан чиқиб, ўз ватандошларининг номус-орини ўзга юртдаги кимсаларга пуллашди. Ўзларига моддий жиҳатдан қарам бўлган қизларни жинсий алоқа қилишга мажбурлаб, улардан пул ишлаб беришни талаб қилиб келишди.

Жинсий шериклар бунинг учун вазифаларни ўзaro келишилган ҳолда бўлиб олишди. Шарифа қизларни турли ёлгонлар тўқиб билан ёллаб, Бирланган Араб Амирликларидagi жинсий шериги Зумрадга топширади. Зумрад эса қизларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, ўзга юртда фоҳишалик қилишга мажбурлади.

Одамфурӯш 3.Маҳмудова ва Ш.Шараповаларнинг бу гап ташлаган "қармоғи"га Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи, икки фарзанднинг онаси, 1972 йилда туғилган Лобар Бахромова "илинди".

2007 йил бошларида Л.Бахромова йўл, уни Дубай шаҳрига олиб боришиб, паспортини олиб қўйишди. Сўнг ундan фоҳишалик қилиш йўли билан 8000 АҚШ доллар ишлаб беришни талаб қилиб, 2008 йилнинг 23 апрелигача шахвоний мақсадларда фойдаланишди. Бир юртнинг фарзанди бўла туриб оилани, болали аёлининг номусини топтаб, уни энг жирканч ишга мажбурлашди.

Бундан ташқари, 3.Маҳмудова ва Ш.Шарапова 2008 йилнинг май ойи бошларида ҳам Лобарни "алдашди". Бу сафар уни Абу-Дабига олиб боришди ва аввалгидек ундan шахвоний мақсадларда фойдаланишди. Лобар Бахромова Абу-Дабига шаҳар, Надиша кўчасидаги 62-уйда ижарада турган хонасида содир бўлган ёнгини оқибатида оғир тан жароҳат олди. Шифокорларнинг муоалажаси бечасамар кетди. 2009 йил 7 январда Абу-Дабига

шаҳридаги касалхонада вафот этади.

Текин бойликни деб ўзининг инсонлик шартини, ор-номусини пулдан тўймайди, одамфурӯш қўшмачилар Зумрад Маҳмудова ва Шарифа Шараповаларнинг қилмиш устидан арз қилиб, Лобар Бахромованинг қариндошлари қонун ҳимоячиларига мурожаат қилишди.

Жабрдийдиларнинг аризалари юзасидан текшириш ўтказилиб, ҳолат ўрганилди ҳамда 3.Маҳмудова ва Ш.Шараповаларнинг қилмишлари юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Қонун ҳимоячилари томонидан аниқланган факт ва далиллар, гувоҳларнинг, жабрланувчиларнинг кўрсатмалари олдига жиноятчи 3.Маҳмудова, Ш.Шараповаларнинг ўз айбларига иқдор бўлишдан ўзга чоралари қолмади.

Хукм ўқилди. Суд ҳукми билан Зумрад Маҳмудова 7 йил, Шарифа Шарапова 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Қилмиш-қилдириш дейилар. Жиноятчилар қилмишларига яраша жазоларини олишди. Шу ўринда бир мулоҳаза. Текин бойлик васвасасига тушиб инсонийлик қиёфасини йўқотган 3.Маҳмудова ва Ш.Шараповаларнинг алдовига Лобар нега учди? Ахир у ўзи туғилиб ўсган шаҳрида, оиласи, икки фарзанди, қайнонаси, қайночаси билан тинчгина, қорни тўқ, усти бот яшаётган эди-ку?

Борига қаноат қилмай, алдовга учиб, мўмай даромад топиш пайига тушган Лобар бугун йўқ. Унинг фарзандлари она меҳрига зор улғайишмоқда, ақинлари озор чекишмоқда.

Тақдирнинг қархалаганини қарангки, Лобарнинг тобутини унинг эри Шокир ўзга юртдан Бухорога олиб келди... Қанийди йиллар ортга қайтса ёки бу тушга айлansa. Афсус!

Собир УМАРОВ,
Бухоро шаҳар прокуратури
Лолахон МАНСУРОВА,
журналист



ХИТОЙ МАФИЯСИНING "ЧЎҚИРТИРГАН ОНАСИ" ЖАЗОГА ТОРТИЛДИ

Хитойда маҳаллий аммавий ахборот воситалари томонидан "хитой мафиясининг "Чўқинтирган онаси" деб ном олган аёлга нисбатан суд ҳукми ўқилди. "Синьхуа" ахборот агентлигининг хабар беришича, 46 ёшли Се Цайпин 18 йил озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган.

Се хоним жиноий гуруҳ тузишда, ноқонуний равишда озодликдан маҳрум қилишда, наркосавдо ва мансабдорларга пора бериш каби жиноятларда айбдор деб топилган. Бундан ташқари Чунцин шаҳри суди уни 1 миллион юань (146 минг АҚШ доллари) миқдорда жаримага тортиган.

Се хонимдан ташқари жиноий гуруҳнинг яна 21 нафар аъзоси 1 йилдан 13 йилгача бўлган турли муддатларга қамалган. Жазога тортилганлар орасида жиноий уюшма аъзолари билан бир қаторда, мафиозлардан пора олган мансабдорлар ҳам бор.

Хитой мафиясининг "Чўқинтирган онаси" турли меҳмонхоналар, тунги клублар ва кафе-ресторанларда ташкил этилган 20дан ортқ ишратхонага эгалик қилган. Унинг бир нечта видаллари бўлиб, қўл остидаги йигитлар айнан шу ерларда яшаб юрган.

Улардан бири 29 ёшли Ло Сюань синдикатдаги фаолияти учун 4,5 йилга озодликдан маҳрум этилган. Шунингдек, у ҳам 200 минг юань жаримага тортилган. Ло Се хонимга тегишли бўлган ноқонуний фаолият юритаётган бир нечта казиноларни бошқарганликда айбдор деб топилган.

Мазкур иш юзасидан тезкор-тергов ҳаракатлари шу йилнинг июнь ойида бошланган. Ўшандан буён полиция томонидан 800 киши ҳибсга олинган, улардан 327 таси суд олдида жавоб берган. Аниқланишича, жиноий гуруҳ тузилганидан буён, яъни 2004 йилнинг сентябрга ойдан бери жиноятчилар миллионлаб



юанлар ишлаб олишган. Даромад асосан, ишратхоналар юритиш, гиёҳвандлик моддаларини сотишдан олинган. Айрим ҳолларда улар ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари ёки бошқа вакиллари билан танишиб, уларга дастлаб гиёҳвандлик моддаларни бепул таклиф қилишган, жабранувчилар гиёҳванд моддаларга ўрганиб қолганидан сўнг уларга пулларни бошлаган.

Суд материалларидан маълум бўлишича, Се хоним ўз душманларига нисбатан шафқатсиз бўлган экан. Мисол учун, у синдикат бош қароргоҳини ошкор қилган одамнинг қўлоқларини кесиб ташлашни буюрган. Жиноий уюшмага яширинча киритилган полициячи, унинг мақоми ошқор этилгандан сўнг, қаттиқ дўспослиб, аҳоли турар жойидан жуда катта ўзқўлқоқ олиб чиқилиб, қопта солинган ҳолда ташлаб кетишган.

Шу билан бирга, ахборот агентлигининг хабарига кўра, Се Цайпин Чунцин шаҳри магистратураси (ҳокимияти) собиқ раҳбари Вень Цяннинг келинидир. Ҳозирда Вень Цян мафияга раҳнамолик қилганликда гумон қилинапти. Меҳнат фаолиятининг 16 йилини полиция сафида ўтказган Вень ҳозир ҳибсга олинган.

ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ 1 МИЛЛИАРД

Украина Олий Радаси давлатнинг 2009 йилга мўлжалланган бюджетини ўзгартириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қўлаб-қувватлади. Қабул қилинган ўзгартишларга кўра, давлат бюджетининг заҳира фонди 1 миллиард гривенга кўпайтирилади. Ушбу маблағлар мамлакатнинг шимолӣ ҳудудларида кескин тарқалган ОРВИ ва пневмония касалликларига қарши курашишга сарфланади.



Мазкур қонун лойиҳаси учун мажлислар залида бўлган 444 нафар депутатдан 401 таси овоз берган. Режалантирилишича, ушбу миллиард эпидемиянинг кенг миқёсда тарқалишининг олдини олиш учун зарур бўлган дори воситалари, тиббий буюмлар ва ускуналарни сотиб олишга йўналтирилади.

Маблагнинг бир қисми касалланиб бўлганларни даволашга ишлатилар экан. Қонун лойиҳасига мувофиқ, маблағларни соғлиқни сақлаш вазирлиги тарқатади. Мамлакат ҳукумати мазкур миллиардни тарқатиш нақолати ҳукуматда қолдирилишни талаб қилганли. Бироқ депутатлар пуллар соғлиқни сақлаш вазирлиги тасаруфидо қолдирилишини афзал кўришди.

Молия вазири Владимир Мавийчук Рада спикери Владимир Литвин ҳамда Украина президенти Виктор Юшенкога мурожаат қилиб, ушбу ҳужжатни илҳом борица тезроқ имзолашни илтимос қилди, деб хабар қилади "УНИАН" ахборот агентлиги.

Аввалроқ хабар қилинганидек, Украинада H1N1 гриппи эпидемияси авж олган, ўз навбатида касалликнинг бу тури билан бирга оддий грипп мавсуми ҳам етиб келди. Бугунги кунга қадар, бу касалликлардан 71 киши ҳаётдан кўз юмди, юз минглаб аҳоли касалланди, 10 мингга яқин киши шифохоналарга ётқизилган. Украина раҳбарияти мамлакатнинг гарбий ҳудудларида карантин эълон қилиб, хорижий давлатларга инсонпарварлик ёрдами сўраб, мурожаат қилди.

ДАВЛАТ ТИЛИНИ БИЛМАСА ЖАРИМАГА ТОРТИЛАДИ

"DELFI" ахборот агентлигининг хабар беришича, Латвия давлат тили маркази, таъкилот мутахассислари томонидан ўтказилган текширишлардан сўнг айрим мансабдорлар ва муниципал йиғинлар депутатларини давлат тилини яхши билмасликлари учун жаримага тортиш тўғрисида қарор қабул қилди.



Хусусан, мамырий жавобгарликда Даугавпилс думаси раиси ўринбосари Григорий Немцов ва айни шу дума депутати Рихард Эйгимс тортилган. Шунингдек, жаримага тортилганлар қаторидан Даугавпилс шаҳрининг яна бир нечта мансабдор шахслари ҳам жой олган. Резекне шаҳрида ҳам икки депутат Ярослав Иванов ва Александр Марченколларга жарима белгиланган.

Латвия давлат тили маркази инспекторлари яқин орада Лиепая шаҳрига таширф буюришмоқчи. Чунки, маҳаллий аҳоли бир неча бор уларга мурожаат қилиб, шаҳар думаси депутатлари давлат тилини лозим бўлган даражада билмасликлариини маълум қилишган экан.

Латвия қонунларида мувофиқ, мансабдор шахс ёки депутат томонидан давлат тилини яхши билмаслик учун 25 дан 50 латтacha миқдорда жарима қўлла-нилади. Агарда жаримага тортилгандан ўз билмачлирини ошириб, тилини мукамал ўзлаштириб олишмаса, жазо қаттиқроқ бўлиб, жарима 100 дан 200 латтacha ошиши мумкин.

ЯНГИ МАХСУС ХИЗМАТ ИШГА ТУШАДИ

Сешанба кунги Грузия парламенти республика молия полициясини қайта ташкил этиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тасдиқлади, деб хабар беради "Интерфакс" ахборот агентлиги.

Расман Молия вазирлигининг тергов хизмати номини олган тизим, иқтисодий жиноятчи-ликка қарши курашиш билан шуғулланади. Унинг ичига махсус бўлима ҳамда ҳуфия ҳодим-лар тармоғи ташкил этилади. Бундан ташқари, молия полициясига жисмоний мажбурлов, қурол ва махсус воситаларни ишлатиш ҳуқуқи берилган.

Агентлигининг хабарига айтилишича, Грузия молия полицияси даставвал 2004 йилда таш-кил этилган бўлиб, уч йил ўтар-ўтмас тарқатиб юборилган эди. Муҳолифат вакили, мамлакат собиқ бош вазири, ҳозирда "Адолати Грузия учун" ҳаракатининг етакчиси Зураб Ногаидели-нинг фикрича, қайта тузилган махсус хизмат ҳукумат муҳолифатини "кетига тушиш" ва ишби-дармонларни рэксет қилиш каби ишлар билан шуғулланиши мумкинлигидан хавфсиромқда.

Интернет хабарлари асосида Д.ЭШМУРДОВ тайёрлади

ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН *ЭЪЛОН

"Aktiv Broker" ДК биржа савдоларига таъкиф этилди

2009 йил 7 декабрда "Республика" кўмак мулк биржаси" АЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат қорхоналари, объектлари (улуи, мол-мулклар) рўйхати

№	Мулкнинг номи	Балас савдосининг номи ва маъноси	Манзил	Давлат активининг қисқача тавсифи	Мулкнинг бошланғич нархи (сўм)
1	Янгйбозор тумани 29-сонли болалар бoғчаси (Асосий шарт: Фаолият турини саклаш)	Янгйбозор туман ҳoқимлиги	Хоразм вилояти, Янгйбозор тумани, Оқдўрмон қишлоғи.	Бoғча 1982 йилда ишга туширилган, эгалаб турган ер майdonи 3696,7 кв.м., бино ва ишхоналар майdonи 517,32 кв.м. Асосий бино пойдевори кўйма бетон, деворлари ташдан гўштдан, поллари бетон, ойна ва занжирли ёғочдан, томи шифер. Бoғчада 1-сонли ёрдамчи биноси ва 2-сонли ёрдамчи биналари мавжуд.	25 740 000
2	Янгйарик тумани 12-сонли "Коник" болалар бoғчаси (Асосий шарт: Фаолият турини саклаш)	Янгйарик туман молия бўлими	Хоразм вилояти, Янгйарик тумани, Оқдўрмон қишлоғи.	Бино 1962 йилда ишга туширилган, эгалаб турган ер майdonи 1120,0 кв.м. бино ва ишхоналар майdonи 455,6 кв.м. Бoғча биноси фундаменти бетон, деворлари лойдан, ойна ва занжирли ёғочдан, томи шифер.	34 310 000
3	Шовот тумани 28-сонли болалар бoғчаси (Асосий шарт: Фаолият турини саклаш)	Шовот туман молия бўлими	Хоразм вилояти, Шовот тумани, Кўт қишлоғи.	Бино 1968 йилда ишга туширилган, эгалаб турган ер майdonи 4087,0 кв.м., бино ва ишхоналар майdonи 1186,8 кв.м. Бoғча биноси фундаменти кўйма бетон, деворлари лойдан, поллари тахтали, томи шифер. 1-сонли бoғчада қурилган пойдевори лойдан гўштдан, устулар ёғоч, томи шифер.	56 183 500
4	Янгйарик тумани 28-сонли "Лочин" болалар бoғчаси (Асосий шарт: Фаолият турини саклаш)	Янгйарик туман молия бўлими	Хоразм вилояти, Янгйарик тумани, Таган қишлоғи.	Бино 1963 йилда ишга туширилган, эгалаб турган ер майdonи 453,0 кв.м., бино ва ишхоналар майdonи 446,8 кв.м. Бoғча биноси фундаменти тахтали гўштдан, деворлари том гўштдан, поллари тахтали, ойна ва занжирли ёғочдан, томи шифердан.	22 175 700
5	Хива тумани 7-сонли "Камалак" болалар бoғчаси (Асосий шарт: Фаолият турини саклаш)	Хива туман молия бўлими	Хоразм вилояти, Хива тумани, Соёт қишлоғи.	Бино 1985 йилда ишга туширилган, эгалаб турган ер майdonи 6600,0 кв.м., бино ва ишхоналар майdonи 1072,7 кв.м. Бoғча биналарининг томи шифердан, ойна ва занжирли ёғочдан, поллари тахтали, деворлари том гўштдан.	54 740 000
6	Янгйарик тумани 18-сонли "Район" болалар бoғчаси (Асосий шарт: Фаолият турини саклаш)	Янгйарик туман молия бўлими	Хоразм вилояти, Янгйарик тумани, Каттабoғ қишлоғи.	Бино 1963 йилда ишга туширилган, эгалаб турган ер майdonи 2360,0 кв.м., бино ва ишхоналар майdonи 517,6 кв.м. Бoғча биналарининг пойдевори бетон, деворлари лойдан, ойна ва занжирли ёғочдан, поллари тахтали, томи шифердан.	36 200 000
7	"Мангит коммунал хизмат" МЧЖнинг 25% давлат улуши.	"Мангит коммунал хизмат" МЧЖ	Коркўлпоғистон Республикаси, Амударё тумани, Мангит шаҳри, Буюк-Турон кўчаси, 3-й.	Жамиятнинг маъмурий биноси 1988 йилда ишга туширилган, фундаменти монолитий, деворлари том гўштдан, томи шифердан. МЧЖда қўйилган асосий воситалар маълум: автомашина ГАЗ-53, автомашина ЗИЛ-130, Трактор Т-28-2, Трактор Т-4, Трактор ЮМЗ, принтер ПТС-2 ва "Анжидон" насос.	25 254 384

2009 йил 7 декабрда "Тошкент шаҳар Муниципал биржа маркази" МЧЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат қорхоналари, объектлари (улуи, мол-мулклар) рўйхати

1	Чилонзор тумани, 8-майски, 58-йил маъмурият жойлашган 4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	БФД, Тошкент ш. Миробод тумани, А.Темур шoҳ кўчаси, 14-й	Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 8-майски, 58-й	Бино 1996 йилда ишга туширилган, бино ва ишхоналар майdonи 93,0 кв.м., фундаменти бетондан, деворлари гўштдан.	49 224 711
2	"QURILMA" МЧЖнинг 25% давлат улуши.	"QURILMA" МЧЖ	Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Урбoвoв кўчаси, 1-й.	Жамият қўйилган асосий восита ва инвентарлардан иборат: Чегма учун доска (4 дона), ЕК-1500 кондиционер (4 дона), китоблар учун стеллаж (4 дона), темир шкаф (1 дона), бир тумбали стол (3 дона), икки тумбали стол (5 дона), ярим қомпоқ стуллар (10 дона). Жамиятда бино ва ишхоналар мавжуд эмас.	997 000

Қўшимча маълумотлар ва савдолар учун "Aktiv Broker" ДК мурожаат қилишни мумкин. Тел.: 233-27-19, 233-38-69. Email: aktiv_broker@mail.ru, www.aki.uz, gktor.uz Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-й; ДМК Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси тел. 8 (362) 226-16-55, 26-31-55, ДМК Қоракўлпоғистон Республикаси 8 (3612) 22-41-54, 22-11-68, ДМК Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси тел. 233-35-08.

"Huquq" газетасининг 29 октябрь 44(669)-сонидagi билдиришномани қўйилган тахрирда ўқинишини сўраймиз: "Respublika Mulk-Auktsion" ДК Андижон вилоят филиали "Huquq" газетасининг 17 сентябрь 38(663)-сонидagi эълонда Марҳамат тумани ҳoқимлиги Молия бўлимига қарашли "Сут қабул қилиш пункти" биноси, навес, темир дарвоза, электршврт ва 5 дона магнитлаускеталлар очик тайлов савдосига ва ДТ "Халқ банки" Булоқбoғи тумани бўлимига қарашли "Ёски банк" биноси аукцион савдосига қўйилганлиги хабар қилинган эди. ДМК Андижон вилояти ҳудудий бошқармасининг 24 октябрдаги 01/1214-БА-сонли ва 27 октябрдаги 01/1217-сонли хатларига асосан ушбу объектлар вақтинча савдодан олинганлигини маълум қиламиз.

Инсонга инъом этилган энг олий неъматлардан бири — соғлиқ!

Бир ҳолатни тасаввур қилайлик. Урта ёшлардаги эркак (аё) озиқ-овқат дўконидан бир неча турдаги маҳсулотларни харид қила туриб қаддоқдаги ишлаб чиқарилган саналарни ҳиж-жасаб ўқиб чиқмоқда. Баъзида сотувчиларни ёнига қақриб маҳсулотнинг барралиги ҳақида суриштириб ҳам қўяди. Ҳатто нон растасидан ҳам юмшоқроқ ва иссиқроғини топиш истагиди. Демак, харид давомида сотувчиларга маҳсулотларнинг айнимаганлиги ҳақидаги бир неча шубҳали саволларни инobatга олмаганда, ҳаммаси кўнгладагидек. Фикрингизга қўшилман, соғлиқни ўйлаб бировизга шубҳа билан қараш унчалик ҳам уят эмас.

Тасаввуримиз қаҳрамони дўкондан чиқа туриб чўнтагидан бир қутини чиқарди. Ҳозиргина ҳар бир маҳсулот қаддоғидаги майда ёзувда битилган ишлаб чиқариш санасини эринмай қидирган қаҳрамонимиз қўлидаги қутининг олд қисмига "ЧЕКИШ СИЗ ВА АТРОФДАГИЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИГА ЖИДИЙ ЗАРАР ЕТКАЗАДИ", орқа қисмига "ЧЕКИШ ЮРАК-ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УПКА РАКИГА ОЛИБ КЕЛАДИ" деб катта ҳарфлар билан битиб қўйилган огоҳлантиришга эътибор ҳам бермай ундан битта сигарета олиб тутатади.



Қизиқ ҳолат, шундай эмасми?! Чекишнинг зарари ҳақида гапириш, ҳозир ташқарида куз фасли, дейиш билан баробар, менимча.

Дунё ҳамжамияти чекишга қарши кураш борасида катта қадамлар ташлаётганига мисоллар кўп. Ривожланган мамлакатлар бир-бирлари мисолида чекиш каби иллатга қарши курашни сиёсат даражасига кўтаришган.

Тадқиқотлар меҳмонхона, кафе ва рестородаларда канцероген моддалар ҳамда углерод оксидининг концентрацияси (бир жойда тўпланиши) жуда юқорилиги мижозлар ҳамда ходимларнинг соғлиғига жиддий хавф туғдираётганини кўрсатмоқда. Ўз халқининг соғлиғини кўзлаган ҳолда оммавий жойларда айниқса, кафе ва рестородаларда чекиш ман эътиётдан давлатлар рўйхати кундан кунга ошиб бормоқда.

Ресторан, кафе ва ҳатто барларда чекиш ман этиш илк бор 2004 йилда Ирландияда татбиқ этилди. Кўшнисидан ўрнак олган Шотландия оммавий жойларда чекиш ман қилди. 2007 йилга келиб уларнинг қаторига Британиянинг қолган қисми, шунингдек, Норвегия, Италия, Испания, Литвалар қўшилди.

Белгия, Литва, Испания, Кипр, Словения ва Нидерланди-

яда чекишни ман этишда меҳмонхона ва барлар учун баъзи мустаснолар мавжуд. Швеция, Италия ва Мальтада оммавий жойларда чекишга фақатгина алоҳида вентиляция (ҳавони алмаштириш) тизими ўрнатилган махсус хоналарда рухсат берилган.

Бугунги кунда ресторан ва барларда чекиш Германиянинг аксарият ерларида, шунингдек, Франция ва Португалияда ҳам ман этилган. Туркия парламенти ҳам ресторан, кафе ва барларда чекишни ман этишга қаратилган қонунни маъқуллаган. Мазкур қонун фақат сигаретни эмас балки трубка ва чилим чекилишига ҳам қарши қўлланилади. Қонунни бузган кафе, ресторан, бар эгалари 4300 доллар миқдорда жаримага тортилади.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига аъзо давлатларда чекишга қарши олиб борилаётган сиёсат шу кунгача чекувчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга ёки қаршилик намоишларига сабаб бўлмади. Ресторан ва кафеларнинг ҳам ушбу қонунлар туфайли мижоз йўқотиши ёхуд банкротга учраётган ҳоллари кузатилмапти. Масалан Нью-Йоркда мазкур чекловлардан сўнг меҳмонхона, ресторан ва кафедаги тушум 8,7 фоизга ошган.

Европа иттифоқи мамлакатлари билан бир қаторда Россияда ҳам чекишга қарши кураш борасида сезиларли ишлар қилинмоқда.

Ресторан ва барларнинг ходимлари ҳамда мижозлари сигарет тутиндан бошқа жойлардаги кишиларга қараганда кўпроқ зарар-

ланадилар. 15 йил аввал чекиш соғлиқ учун қанчалик зарар келтириши аниқлаш маъноси бўлса-да, бироқ актив ва пасив чекувчилар қандай хасталикларга дучор бўлишлари мумкинлиги ҳақидаги статистик маълумотлар мавжуд эмас эди. Ҳозирда фан анча илгарилаб кетган.

Бугунги кунда дунё бўйлаб ҳар йили мунтазам чекиш оқибатида 66 минг киши вафот этса, 5 минг киши пасив чекишнинг қурбонига айланади. Бугунги кунда дунёда чекиш сабабли 13 киши вафот этади. Мутахассисларнинг маълумот беришича, агар ахвол шундай давом этаверса, 2020 йилга келиб тамаки чекиш оқибатида дунёда ҳар йили 10 миллион киши қурбон бўлади.

2030 йилга келиб эса чекиш бе-вақт ўлимнинг асосий омиллари-дан бирига айланади.

Юқорида келтирилганимиздай, бугун аксарият меҳмонхона, кафе ва рестородаларда канцероген моддалар ҳамда углерод оксидининг концентрацияси жуда юқори (бир кубометр ҳавода 200-220 микрограмм майда дисперсланган чанг). Чекувчилар орасида ёки мунтазам чекиш туриладиган хонада бир ҳафтада 1 соатдан 7 соатгача вақт ўтказадиган кишининг миокард хуружига чалиниш хавфи 25 фоизга ошади. Агар бу вақт 21 соатдан ошмироқ бўлса хавф 60 фоизга ошади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чекишни чеклаш ёки ман этишга қаратилган қонунлар қабул қилинган давлатларда бир неча ойлardan сўнг юрак касалликлари ҳамда хуружлари сезиларли даражада қамайган.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа ҳудудида чекишга қарши кураш тўғрисидаги баёнотида сўнгги 4 йил ичида Европа мамлакатларининг аксарияти чекиш, тамаки маҳсулотларининг рекламаси ва оммавий жойларда чекиш ман этилиши борасида самарали натижаларга эришганлар. Амалга оширилган ишлар натижасида европада чекувчилар сонининг ўсиши тўхтаган ва бу борада мувозанат сақлабди тутиндан бошқа жойлардаги кишиларга қараганда кўпроқ зарар-

МДХ мамлакатларида бундай ижобий натижаларга ҳали эришилгани йўқ. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг фикрича, МДХ давлатларининг ҳукуматлари бу борада қаттиyroқ чора кўришлари зарур.

Европада ҳар йили чекувчилар сонини 2 фоизга қамайтириш мақ-

сад қилиб олинган. Австриянинг йирик Dolphin Technologies (Долфин Техноложис) компаниясида чекишга қарши самарали усул татбиқ этилди. Компанияда олиб бориладиган ўрганишлар шуни кўрсатдики, чекувчи ҳо-дими ушбу иллатга бир ойда ўртача 20 соат иш вақтини кетказар экан. Шуни инобатга олиб келгусида компания чекмайдиган ходимларнинг маошига 100 евродан қўшиб

тўлайдиган бўлди. Компания вакиллариининг айтишича, яқин келажакда қўшимча 100 евро учун ҳар ўнинчи ходим чекишни ташлаши аниқ.

Хорийки мамлакатлардаги олий неъмат — соғлиқни ўйлаб қилинаётган ишлар албатта, эътиборга сазовордир.

Ўзимизда ҳам бу борада қувонтирадиган жиҳатлар кўпайиб бормоқда. Тамаки маҳсулотлари рекламалари, воёга-етмаганларга тамаки ва алкоголь маҳсулотларини сотишни ва яна бир қанча салбий оқибатларга олиб келувчи ҳолатларга қаратилган қонунлар ҳамда норматив ҳужжатлар амалда қўлланилмоқда. Ресторан ва кафеда аста-секин чекувчилар ва чекмайдиганлар учун хоналар ажратилиши кузатишмоқда.

Бу борада ҳукуматимиз томонидан янада қаттиyroқ ва самаралироқ ишлар қилинишига ишончимиз қомил, албатта.

Бироқ бугунги кунда бутун дунёда ушбу муаммо билан боғлиқ янги чекловларни кутиб ўтириш ҳам ноўрин.

Ўғри, чекишни ташлаш қийин бўлгани учун ҳам балки бу ҳақда мингқўл қўлланмалар чиқарилган, тадқиқотлар олиб борилаётган. Шунинг учун бўлса керак, кўпчилигимиз ушбу иллатдан қутулишга қийналамиз. Энг асосийси, ақли расо киши борки чекишнинг зарарлигини билади. Шундай экан, чекишни ташлашмаганимиз сабабини осонтинга иродамизнинг кучсизлигига йўйишдан аввал атрофдагиларнинг, айниқса, болаларнинг соғлиғига зарар етказётганимизни ўйлаб қўрайлик.

Сиз чекиб ўтирган ресторан, кафе, ҳулла, жамоат жойини бошқалар ҳам ҳуш қўришини, улар ҳам севибли жойларда мароқли дам олишни хоҳлашларини ўйлаб кўринг. Уша жойларда сиз чекаётган сигаретангиз тутиндан аёллар, болалар ва умуман, сиздан фарқли ўлароқ соғлом турмуш тарзини танлаган кишилар ҳам нафас олишга мажбур.

Сиз туфайли улар пасив чекувчи айланишмоқда ва саломатлиги ҳавф остида қолмоқда. Озод, обод юртимизнинг шинам жойлариди тинч ҳаётдан раҳотланиб, мусарфаф ҳаводан нафас олиш ҳуқуқи барчага бирдай берилган. Сигарета тутини билан ҳавони булғаш, атрофдагиларнинг соғлиғини хавф остига қўйиш бировнинг ҳақига хиёнатмасмикан?!

ТЕМУРБЕК

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Россиялик ҳакер Владимир Левин 12 млн. долларни ўзлаштиришга ҳаракат қилиб кўрган. Америка "Ситибанк"нинг хавфсизлик хизмати Левинни 1994 йилнинг июн-октябр ойлари давомида маз-

ЁМОНЛИККА

ҚАРАТИЛГАН БИЛИМ

кур банкнинг марказий тизимини бузиб кириб, мижозларнинг ҳисоб рақамларидан юқорида келтирилган суммани ўғирламоқчи бўлганликда айблаган. 1995 йили Лондонда қўлга олинган Левин Нью-Йорк суди томонидан 36 ой муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва Россияга депортация қилинган.

16 ёшли ҳакер Жонатан Жеймс 1999 йилда НАСА ташкилотига 1,7 млн. долларлик зарар етказган. Фаолияти тарихида илк бор ҳакер ҳужумига учраган НАСА ташкилотидан бир неча муҳим файллар, жумладан халқаро орбитал станциянинг чиқиб кўларди кўчириб олинган. Ёш ҳакерга жиноят содир этиш вақтида воёга етмаган бўлгани сабабли қамоқ жазоси тайинланмади. Акс ҳолда Жонатан ўн йил умрини турмада ўтказар эди.

Одессалик Дмитрий Голубов хорийки банклардан бир неча миллион доллар ўғирлашга муваффақ бўлган. Ушбу ҳакер томонидан яратилган сайтда вертуал оламнинг 7 мингдан зиёдроқ жиноятчиликларига бир-бирларига турли банкларнинг ҳисоб-рақамларига таллуқли ахборотлар оли-сотдиси билан шугулланишган. Голубов 2005 йилнинг 7 июлида қўлга олинган.

Москвалик Игорь Клопов тўрт нафар АҚШ фуқароларини ҳарбий деңгиз қучлари, аҳо ҳарбий қучлари ва Пентагонга тегишли компьютерлар тизимини бузиб киришга маъмур бўлган. Умумий ҳисобда 97 та компьютер тармоғига ноқонуний "ташир буюрган" ҳакер ушбу компьютерлардан номалум учар жисмларига оид ахборотларни излаган. 2002 йилнинг октябрларида Гарининг "қизиқувчан"лиги бошига етди. Ҳакер қўлга олинди.

Британиялик Гарри Мак Киннон 2001-2002 йиллар мобайнида НАСА, АҚШ мудоффа вазирлиги, ҳарбий деңгиз қучлари, аҳо ҳарбий қучлари ва Пентагонга тегишли компьютерлар тизимини бузиб киришга маъмур бўлган. Умумий ҳисобда 97 та компьютер тармоғига ноқонуний "ташир буюрган" ҳакер ушбу компьютерлардан номалум учар жисмларига оид ахборотларни излаган. 2002 йилнинг октябрларида Гарининг "қизиқувчан"лиги бошига етди. Ҳакер қўлга олинди.

«ТЕРМИНАЛ БУЗИЛГАН»

Фарғона шаҳрининг Охунбоев даҳасидаги «Лаззат» савдо дўкониди (А. Қодирий кўчаси, 82 «а») кечки пайт савдо қизиган. Ишдан қайтаётганлар турли озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишяпти. Дўконнинг учта бўлинимасида пластик қарточкалар орқали ҳисоб-китоб юритилляпти. Ун ва нон маҳсулотлари бўлинимасида эса нақд пул талаб қилишяпти.

— Нега пластик қарточкага сотмайсиз?

— Терминал бузилган, — деди сотувчи Ж. Иноқбоев. — «Миллий банк»қа топширганмиз.

— Қачон топширгансизлар?

— Ўн кунча бўлди.

— Нега шу пайтгача тузатиб беришмаяпти?

— Бузилган терминаллар фахат Тошкентда тузатиладиган. Сўраб-су-

риштиряпмиз. Аниқ муддатини айтишмаяпти.

Афсуски, «терминал бузилган» баҳонаси нақд пулсиз ишлашни ҳуш кўрмайдиган айрим савдо, хизмат кўрсатиш шохобчалари ходимларига қўл келяпти.

Фарғонанинг ўзида ўлчов асбобларидан тортиб, мураккаб компьютерларга ремонт қилувчи устахоналар, усталар етарли бўлган бир пайтда бузилган терминалларнинг йиғиб (бир донасини жўнатиб тузатишга қийматга тушса керак) пойтахтга жўнатиб туриш шартмикан?

«Бузилган» деган вазаларга чек қўйиш учун терминалларни вилоти фарқларини, йирик шаҳарларда ҳам тузатишни йўлга қўйиш лозим.

Исроил ИБРОХИМОВ, «Huquq» мухбири.

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV,
Bahridin VALIYEV, Baxtiyor
NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
2009 yil 12 oktabrda 0188-raqam bilan no' yratga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va
suratlar egalarga qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan
farqlanishi mumkin. Nashrimizdan
ko'chirib bosilganda "HUQUQ"dan
olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat
ahamiyatiga ega materiallar ** belgisi
ostida chop etiladi.

Nashr ko'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma j-8365. 21 382 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi dizayner: S.BOBODJONOV
Navbatchi muharrir: Y.PARDAEV
Navbatchi: O. DEHONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etiladi.
Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Akshar Navoi ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning
payshanba kunlari
chiqadi.
Sotuvda
kelishilgan narxda